

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон Давлат Университети

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Мамарасулов Тилаволди Адаҳамович

Бухоро ва Хоразм республикаларида совет ҳокимиятининг харбий сиёсий
репрессиялари

Мутахассислик. 5 А 220201 «Ўзбекистон тарихи»

Магистр даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.

Илмий раҳбар.
_____ Доцент С.А.Хошимов

Ўзбекистон тарихи кафедраси
муdiri, доцент М.Ғ.Абдуллаев

_____ «__» _____ 2012 й.

Андижон-2012

Мундарижа

Кириш.....3-5

I-боб. ХХСР ижтимоий сиёсий жараёнлар ва совет ҳокимиятининг воҳада юритган мустамлакачилик сиёсати.

I.1. Хоразм воҳасидаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар фаолияти.....16-22

I.2. ХХСР ҳукумати раҳбарларига нисбатан совет ҳокимияти органлари қўллаган қатағон сиёсати.....23-30

I.3. Воҳадаги қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш чоғидаги оммавий ҳарбий репрессиялар.....31-38

II-боб. БХСР сиёсий ва ҳарбий кураш жараёнидаги оммавий қатағонлар.

II. 1. Бухоро амирлигининг қизил армия томонидан ағдарилиши жараёнидаги оммавий қатағонлар.....39-50

II.2. Қатағон сиёсатининг ижрочи органлари Бутунбухоро Фавкулудда комиссияси (ЧК), Диктаторлик комиссияси, “инқилобий” трибуналлар фаолияти.....51-58

II.3. Бухоро республикаси ҳудудида қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш чоғидаги ҳарбий репрессиялар.....59-64

Хулоса.....65-68

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....69-72

Иловалар. 73-79

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қайси халқ миллий кадриятларини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз И.А.Каримов таърифларига кўра, “тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффиқият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”¹

Янги демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси нафақат мустабид тузумнинг сир-синоатини ўрганишни, балки идрок этиш ва ундан сабоқ чиқаришни тақозо этади. И.А.Каримов совет тузуми даврига муносабат билдирар экан, олимларни “тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга ошириш”² кераклигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Бу даврда қўлланилган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини ўрганилиши ҳозирги ва келгуси авлодни мустақилликнинг кадрига етишга ва уни кўз қарочиғидек авайлаб-асрашга даъват этади. Зеро бугунги кўплаб ҳақиқатларнинг асл манбаи советлар даври қаърига яширинган. Бу борада Президентимиз қуйидагича фикрларни юритадилар: “Шахсга сиғиниш йилларида турғунлик йилларида нотўғри йўл-йўриқлар, мақсадлар ва уларга эришиш йўллари бутунлай бузилиб, сохталаштирилиб юборилди. Асосиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилингани, халқларнинг маънавий кадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани.... кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда.”¹

“Зулм ва зўровонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллий кадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг”² қанча-қанчалари жисмонан йўқ қилинди. Бу ўринда совет давридаги оммавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган аждодларимизни излаш ва ўрганиш ҳам маънавиятимиз юксалишида долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 12 майда “Ватанимиз истиқболи ва озодлиги йўлида миллий истиқлол ва таракқиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга дучор қилинган ватандошларимиз номларини аниқлаш, фаолиятларини ўрганиш, хотираларини абадийлаштириш” мақсадида эълон қилинган фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 1 майда эълон қилган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони ушбу мавзунинг миллий тарихшунослигимизда янада долзарб муаммога айланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, Б. 97

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.:Ўзбекистон, 19997, Б.141

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент, Ўзбекистон, 2011.-Б.165.

² “Халқ сўзи”, 2000 йил, 13 май.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси Муаммонинг тарихшунослик таҳлили шундан далолат берадики, бу масала советлар даврида ўрганилмаган. Бунинг биринчи сабаби совет тарихшунослигининг синфийлик, партиявийлик, коммунистик мафкура ақидаларига асослангани билан изоҳланса, иккинчи сабаби ҳукмрон давлат халқни ўзлигидан, тарихий хотирасидан, ҳаққоний тарихидан маҳрум этиш ва ўз ғояларига ишонтириш, давлат хоҳиш-иродасига бўйсунувчи, итоаткор, коммунизм мутаассибларига айлантириш мақсадини кўзлагани билан изоҳланади. Учинчи сабаби эса тадқиқотчиларининг репрессияга оид мутлақо махфий архив ҳужжатлари билан танишиш имконияти йўқлигида эди.

Ушбу билан бирга таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 20-йилларидаги мавзу тарихшунослигида тоталитар совет режимининг қарор топиши, минтақада мухтор ва мустақил республикаларнинг таъсис этилиши ва давлатчилик фаолияти бевосита шу воқеа ва жараёнлар иштирокчилари – Марказ томонидан Ўрта Осиёга жумладан: Бухоро ва Хоразмга юборилган фавқулодда ва мухтор эмиссарлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳукумат тизимидаги миллий арбоблар, адиб ва зиёлилар томонидан уларнинг хотира ва эсдаликлари, илмий тадқиқотларида¹ ёритилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарларда даврнинг мураккаб, зиддиятли руҳи акс этган ва ўз навбатида совет режими мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти очиб берилган.

Жумладан, Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам совет ҳокимияти 1920-1924 йиллар мобайнида оддий халқ вакилларига, амир-хон амалдорларига, миршабларга, меҳнатсиз даромадлар хисобига яшовчилар, савдогарлар, диний хизматчиларга, миллий марифатпарвар бўлмиш “Ёш Хиваликлар”, “Ёш Бухороликлар” вакилларига, ҳукумат бошлиқларига қарши ҳарбий, сиёсий репрессияларни амалга ошириб кўплаб халқимизнинг етук кишиларини ҳам маънан, ҳам жисмонан йўқ қилдилар.

XX аср 30-йилларининг бошларидан совет жамиятида қарор топган тоталитар режим тарихий нашрларида совет ҳокимияти олиб борган мустамлакачилик сиёсатини акс эттирувчи фикр-қарашлар ва маълумотлар умуман учрамайди. Тадқиқотлар коммунистик мафкура руҳи билан суғорилган. Баъзи адабиётларда² совет тузуми ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муқобил йўллари амалга оширишга уринган ёки ўз ғояларини таклиф этган миллий арбоблар буржуа миллатчилари сифатида айбланиб, қатағон қилинган.

1920-1930-йиллардаги тарихий жараён хориж адабиётида ҳам маълум даражада ўрганилган. Бухоро, Хоразм ва Туркистонда ўрнатилган мустабид совет тузуми ва унинг

¹ Сафаров Г. Колоньяльная революция (опыт Туркестана) М., 1921; Галузо П.Г. Туркестан- колония. Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года М., 1929; Валиди Аҳмад Закий Туркистон масаласи. Берлин, 1924; Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. М., 1926; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Т., 1926; Он же. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. Т., 1932; Рисқулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть 1. 1917-1919 гг.- Т., 1925; Иноғомов Р. Ўзбек зиёлилари. – Т., 1926; Икромов А. Оппозициянинг миллий масаладаги оппортунистлиги (эски ўзбек алифбосида).-Тош.-Сам: Ўздавнашр. 1927.-70 б.; Ikramof A. Josipof O. Karimof A. Qasimovcilik millii aksil Inqilobcilik. –Т.: OZNASR.1930. –40 б.; Миллатчи аксилнқилобчиларга зарба (эски ўзбек ёзувида).-Т.: Ўздавнашр. 1931.-76 б. ва б.

² Ikramof A. Josipof O. Karimof A. Qasimovcilik millii aksil Inqilobcilik. –Т.: OZNASR.1930. –40 б.; Usman Jusupov. Aksil inqilobiy banditlar shaykasini batamom qirib tashlaylik. –Taskent: Ozk(b)P MQ. Partia nasriati. – 1937. –16 б.; Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. -Т.: Госиздат. 1961.–587 с.; Ўзбекистон коммунистик партияси тарихининг очерклари.-Т.: Ўзбекистон. 1964.-604 б.; Йўлдошев Х. Троцкизм-ленинизмнинг ашаддий душмани.-Т.: Ўзбекистон. 1978.-45 б.; Юлдашев Х. Роль Компартии Ўзбекистана в разгроме троцкистско-зиновьевского блока. -Т.: Ўзбекистон. 1979.-196 с. ва б.

асл моҳияти муҳожирликка жўнаб кетган туркистонликлар томонидан яратилган китобларда ҳам ўзининг холис ва ҳаққоний талқинини топган.¹

Қатағон- жазо сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари тарихини янгича дунёкараш ва янгича ёндашув асосида тадқиқ этиш 1980 йилларнинг охирида Россия тарихшунослигида бошланди ва мустақиллик шарт-шароитларида янада эътибор топди.²

Эълон қилинган ҳужжатли материаллар биринчи бўлиб россиялик олимлар томонидан илмий истеъмолга киритилди.³ Репрессия тарихи В.Н.Земсков, Н.А.Ивницкий, Г.М.Иванова, П.М.Полян, Н.Ф.Бугай каби йирик тарихчиларнинг фундаментал тадқиқотларида умумлаштирилган ҳолда тадқиқ қилинди. Бу асарларда қатағон сиёсати, жазо чоралари ҳамда маъмурий тадбирларга тавсиф берилган бўлиб, мавзу тарихшунослигида қўйилган жиддий қадам бўлди.

Россия илмий жамоатчилиги томонидан қатор илмий-назарий ва амалий конференциялар уюштирилди⁴, сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоблари яратилди.⁵

Мазкур мавзу интернет тизимида ҳам янгича руҳда талқин этилмоқда, жумладан, қатағонлар масшавби, миқдори, ўзига хос хусусиятлари, меҳнат билан тузатиш, қайта тарбиялаш, “ижтимоий муҳофаза” каби мунозарали масалаларнинг қўйилиши диққатга сазовор.⁶

¹ Cokay M. Turkistanda con teror mesulleri ||Yash Turkistan. 1935. -64 s.; A.Z.V. Togan “Bugunku Turk ili Turkistan ve yakin tarihi”. -Istanbul: 1981.-134 s.; Dr.Baymirza Hayit. «BASMACILAR» Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934) -Ankara: 1997.-644 s.; Oktay. Turkistanda yashirin milli uyushmalari. ||Yash Turkistan. 1936.-75 s.; Yassavi S. Turkistan acciq haqiqatlari, 2-baski (араб имлосида Ўзбек тилида). -Istanbul: 1984.-234 s. ва бошқалар.

² История сталинского ГУЛАГа конец 1920-х перв.пол.1950-х годов: Собрание документов в 7-ми томах. /Гл.ред.серии В.П.Козлов. Т.1. Массовые репрессии в СССР. М.,РОССПЭН, 2004; Россия XX век. Документы ГУЛАГ (главное управление лагерей) 1918-1960. Составители: И.А.Кокурин, Н.В.Петров. /Науч.ред.-р.В.Н.Шостановский. М.,Материк,2002; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы 1927-1939. В 5 томах Москва РОССПЭН, 1999-2005. /Гл.ред.серии. В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. М.,1999-2004 ва б.

³ Режим личной власти Сталина: к истории формирования. М.,МГУ, 1980. –С.160; Попов В.П.Государственный террор в советской России. 1923-1953 гг.: источники и их интерпретация //Отечественные архивы. 1992, №2; Иванова Г.М. ГУЛАГ в системе тоталитарного государства. М.,1997; Самосудов В.М., Рачек Л.Ф. Судьбы людские. Историко-документальный очерк. Омск, 1998; Шаманов И.М., Тамбиева Б.А.,Абрекова Л.О. Наказаны по национальному признаку. –Черкеск: 1999. –С.113; Земсков В.Н. ГУЛАГ (историко-социологический аспект) //Социологические исследования. 1991. №6; Он же Массовые репрессии: заключенные. –В.Б.Жиромская. Население России в XX веке. Исторические очерки. Т.1 М.,2000; Полян Павел. Не по своей воле...История и география принудительных миграций в СССР. М.,Мемориал, 2001; Биннер Рольф. Как террор стал «большим»? Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. М.,Собрание, 2004; Земсков В.Н.Спесоселенцы в СССР 1930-1960 М.,Наука, 2003;

⁴ Репрессированные народы.//История и современность. Материалы II Всероссийской научной конференции-Карачаевск, 1994; История репрессий на Урале: идеология, политика, практика (1917-1980-е годы) Сборник статей участников научной конференции «История репрессий на Урале». Нижний Тагил, 10-12 ноября 1997 г.; Политические репрессии в России. XX век. Материалы региональной научной конференции. Сыктывкар, 7-8 декабря 2000 г.Сыктывкар, 2001.

⁵ Книга памяти жертв политических репрессий в Ставропольском крае. 13 тт.-Ставрополь: 1995-1999. Книга памяти жертв политических репрессий «Бутовский полигон». 1937-1938 гг. В шести томах. М., 1997-2003. Книга памяти жертв политических репрессий 30-40-х начала 50-х годов; Астана, АЖНР,2001 С.952

⁶ Пыхалов И.Каковы масштабы «сталинских репрессий»? <http://www/Geocities.com /CapitolHill /Parliament /723/repress.htm?> 20067 07.01.2006 RusmirTV.com.: Обзор темы –Здравые рассуждения о массовых репрессиях. <http://www.rusmirTV.ru/forum/posting.php?modextopicretview&tk492> 01.01.2006; Ассоциация жертв и незаконных репрессий г.Астаны и Акмолин.обл. Ч.1/ -ил. 7015 справок о лицах, репрессированных в Акмолинской и Кокчетовской областях.; Узницы «АЛЖИРа» Карлага /-Астана: АЖНР, 2001. С.504: ил.Сведения о 5284 женщинах, заключенных Акмолинского лагеря жен изменников родины. <http://www/memo.ru/libraru/bkmemory/kaz.htm> 24.10.2006; Кара-Мурза С.Г. “Манипуляция сознанием”.С.9. <http://www.kara-murza.ru/books/manipul/manipul76.htm> 26.10.2006; Здравые рассуждения о массовых репрессиях. <http://www.contr-tv.ru.repress/783/> 30.10.2008; Так были ли репрессии . <http://www.contr-tv.ru.repress/725/> 30.05.2009; Репрессии: на самом верху. Часть 1. <http://www.contr-tv.ru.repress/700/> 30.07.2009;

Янги тафаккур ва ёндашувлар асосида тадқиқотлар йўналишини бошлаб берган академик Р.Х.Аминова¹ мавзунинг таркибий қисми бўлган “қулоқ” қилиш тарихини аввалги нотўғри талқинлардан, сохталаштириш, бузишлардан тозалашга даъват этди.

Мустақиллик йилларида тоталитар мустабид давлат манфаатига хизмат қилиш вазифасидан соқит бўлган тарих фани зиммасига ҳаққоний, холисона тарихни яратиш, жамият, халқ, миллатнинг маънавий юксалишига хизмат қилиш масъулияти юкланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан бу масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун барча имконият, зарур шарт-шароитлар яратилди, аниқ ҳаракат дастури белгилаб берилди.

Ўзбек тарихшунослигида қатағон тарихини ўрганиш борасида муайян силжишлар юз берди. Миллий истиқлол мафкураси руҳида ёзилган янги илмий тадқиқотлар² ва дарслик ва ўқув қўлланмалар³ чоп этилди. Бу асарлар ва ўқув қўлланмаларида совет даврида ўрганиш мумкин бўлмаган, сир сақланган ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида давр

¹ Аминова Р.Х. Возвращаясь к истокам коллективизации. Т.: Фан. 1995

² Хасанов Мажид. Файзулла Хўжаев. Т., Ўзбекистон, 1990. Б.204; Қахрли кунлар. (Мақолалар, мактублар, бадиҳалар). Т., Камалак, 1991. Б.208; Маҳмудов М. Қатағон қурбонлари. Т., Ўқитувчи, 1991; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т., Фан, 1991; Шамсутдинов Р.Т. Жасоратарга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон, 1991; Инқилоб жангчилари. -Т.: Ўзбекистон. 1990.-124 б. Революцией призванные. Т.: Ўзбекистон. 1991.-114 с.; Зайченко Ж.А. Бир ариза тарихидан. //Инсон ва сиёсат. 1991. №1.-90-96-бетлар.; Ражабов Қ. Ленин билан бахslashанганлар. // Саодат. 1991. № 4, 5,-14-18-бетлар. Набижон Боки, Қатлнома. Т., 1992; Ражабов Қ. Турор Рискуловнинг таржимаи холи //Саодат. 1992. №3-4, 5-6.-12-14, 18-20 б.; Ўша муаллиф. Оммавий қатағонлик сиёсати. //Туркистон газетаси. 24-27 октябрь; Усмонов И. Қатағон қурбонлари. Т., “Ўқитувчи”, 1992; Каримов Н, Усмон Носир. Т., 1993; Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Истиқлол учун кураш фидойилари. Андижон, “Мерос” 1993; Турсунов И. Истиқлолга интилган қалблар нидоси. Т., 1993; Қиличев Ф. Зулматдан садолар. Т.: Адолат, 1994; Шамсутдинов Р.Т. Жертвы репрессии. Андижан, «Мерос» 1994; Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон. 1994.-112 б.; Наимов Н. Мен яшашни истайман. “Бухоро” нашриёти, 1994; Шукрулло. Репрессия – мусибатли йиллар ситами. //Қасосли дунё: (Мақолалар). Т., Ўзбекистон, 1994, Б.75-92; Узоқов Х. Қалблар нидоси. Тарихий илмий публицистик очерклар. II жилд. Биринчи, иккинчи китоб. Т.: Адолат, 1997; Холбоев С. Мунаввар Қори. //Мулоқот. 1997. №1.- 24-25 б.; Ахророва Х. Истиқлол фидойилари. Изларини излайман. Т., “Шарқ”, 1998. Зияева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш. //Жаҳон адабиёти. 1998. Июл. 193-196-б.; Ўша муаллиф. Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари. 20-30-йиллар талқинида. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. №1.-67-73 б.; Ўша муаллиф. Сохта ва чин ҳақиқатлар. //Тафаккур. 1998. №3.-64-69 б.; Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Т.: Университет, 1999. 220 б: Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2 - -Т.: Шарқ. 1999. – 208 б.; Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги) – Т.: 2000; Ўша муаллиф Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917- начала 50-х годов. Т.: Академия МВД. РУз. 2000; Ишанходжаева З. Красный террор и расстрелянные библиотеки Ташкента // Вестник Национального Университета Узбекистана. 2000. № 4. С. 25-28; Германов В.А. История Туркестана в условиях политического террора. 20-30-х годов. Т: Узбекистан, 2000; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Т.: Шарқ. 2001.-368 б.; Ўша муаллиф. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. Т.: Шарқ. 2001.-416 б.; Қор қўйнидаги лолалар. Т.: Академия. 2001.-213 б. Зияев Х. Ўзбекистон мустақиллиги курашларининг тарихи. Т.: Шарқ. 2001; Хасанов Б. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20-30-е годы и их последствия. //Ўзбекистон тарихи. 2001. №1-2. с. 101-109.; Шамсутдинов Р.Т. Убайдуллаев Ў.Қ. Дипломат Абдурахим Юсуфзода. //Мулоқот. 2001 й. №1. -29-30 б., №-2. -22-23 б.; Убайдуллаев Ў. Қатағон қурбони. //Фан ва турмуш. 2001. №3. –24 б.; Р. Шамсутдинов, Ў Убайдуллаев. Хурлик туйғуси билан яшаган эди... //Ўзбекистон матбуоти. №5. 2002. й. -34-36 б. ва бошқалар.

³ Ражабова Р.Ё ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). 9-синф учун.-Т.: Ўқитувчи. 1994.-304 б.; Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб.- Андижон: Мерос. 1998.-279-410 б.; Алимова Д.А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (1917-1991) 10-синф учун дарслик.-Т.: Шарқ. 2000.-416 б.; Алимова Д.А. и др. История Узбекистана (1917-1991). Учебник для 10 классов.-Т.: Шарқ. 2002.-124-127 с.; Ражабов Қ.К., Хайдаров М.М. Туркистон тарихи. -Т.: Университет. 2002.-168 б. ва бошқалар.

қурбони бўлган турли даражадаги раҳбар ходимлар, зиёлилар чекига тушган даҳшатли қисматлари ёритилган.

Айниқса ЎзФА Тарих институти томонидан нашр этилган фундаментал тадқиқотларда илк марта 1921-1924- йилларда ҳокимият поғоналарида миллий муҳолифатнинг ўсиши жараёни, совет тоталитар тузуми мустабид сиёсатининг табиати, иқтисодий мусталакачилик моҳият-мазмуни, ўзбек халқининг маданий-маънавий меросига бўлган ҳуқуқнинг чекланиши масалалари ўз ифодасини топган.¹ Шунингдек, Туркистонда «советлаштириш», миллий масалага доир тактик йўлнинг янгиланишига қарши миллий ихтилофнинг кучайиши, истиқлолчилик ҳаракати ва оммавий қатағонларнинг авж олдирилиши масалалари Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан тайёрланган "Ўзбекистоннинг янги тарихи" (иккинчи китоб)да атрофлича таҳлил қилиб берилган.²

Мустақиллик йилларида XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Бухорода кечган сиёсий жараёнлар мавзуси янги концептуал-методологик тамойилларга таянган кўплаб жиддий тадқиқотларда ўз аксини топди. Улар сирасига таниқли тарихчи олимлар Ф.Қосимов, А.Голованов, Р.Каримов, Қ.Ражабов, М.Жўраев, У.Рашидов ва бошқаларнинг асарларини³ қиритиш мумкин.

Қатағонлар тарихи контекстида “қулоқ”лар қисматини ўрганиш масалалари проф. Р.Шамсутдиновнинг илмий изланишларида муҳим ўрин эгаллайди. Янги концептуал-методологик ёндашувларда 2001 йили унинг “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”, “Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари” асарлари эълон қилинган бўлса, 2003 йилда “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё Республикалари мисолида)”, 2005 йили ҳаммуаллифликдаги “Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати” каби монографик тадқиқотлари⁴ эълон қилинди. Қатағон сиёсати ва унинг қурбонлари мавзуси “Репрессия: 1937-1938 гг.”⁵ нашрларида ўз ифодасини топмоқда.

Коллективлаштириш билан узвий боғлиқликда кечган қулоққа тортиш кампанияси жараёнида партия-давлат органлари, ОГПУ-НКВДнинг Ўрта Осиё қишлоғида амалга

¹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. -Т.: Шарқ. 2000.-672 с; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). – Т.: Шарқ. 2000. – Б. 432.; Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши.- Т.: Шарқ. 2001. – Б. 464

² Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида (тузувчилар Жўраев М., Нуруллин Р. ва бошқалар) -Т.:Шарқ. 2000. -161-302-бетлар.

³ Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. Бухоро,1996; Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси. //Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.2.-Т.:2001-б.299-302; Унинг ўзи. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли //Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари,- Т.:Шарқ, 2001.-б.185-202;Жўраев М.Хоразм ва Бухоро Республикаларидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар.//Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т.:2000.б.213-249;Голованов А.Советизация Бухарской Республики //Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости.-Т.:2000.с.553-581;Каримов Р. Раджабов К. Политическая и экономическая ситуация в Бухарской Республике(1920-1924 гг)// История Узбекистана (1917-1991 гг.). Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йй) Бухоро, 2003. ва б.

⁴ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т.Шарқ, 2001. Ўша муаллиф: Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида), Т.Шарқ, 2003; Шамсутдинов Р., Мамажонов А., Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати. Т.Шарқ, 2005. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. Т.: Шарқ, 2009.

⁵ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон “Andijon-Nashruyot-Matbaa”, 2004, Б.348-455, 582-607; Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф. Юсупов Э.Ю. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск I-V-Т.Шарқ, 2005-2009.

оширган жазо чораларига доир ҳужжатлар ва материаллар тўплами¹ катагон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларини очиб беришга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихшунослигида ўрганилаётган мавзу юзасидан илмий изланишлар давом этмоқда. Бу ўринда Қ.Ражабов, Р.Шамсутдинов, Э.Юсупов, С.А.Хошимов, З.Ишонходжаева, Н.Норжигитова²ларнинг тадқиқий ишларини келтириб ўтиш жоиз.

Тадқиқотларнинг таҳлил ва тавсифи шундан гувоҳлик берадики, мустабид тоталитар тузумнинг шаклланиши даврида совет режимининг катагон сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши мавзуси мазмун-моҳияти ҳамда барча хусусиятларини ўзида акс эттирувчи яхлит илмий тадқиқот ханузгача яратилмаган. Юқоридаги қайд этилган тадқиқотлар муаммонинг у ёки бу аспектларини қисман ёритиб, XX асрнинг 20-30- йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган катагон сиёсатини комплекс ёрита олмайди ҳамда тўлиқ хулоса ва маълумотлар бериш имкониятига эга эмас. Булар эса, мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олишга имкон беради. Кун тартибида муаммонинг барча жиҳатларини яхлит, комплекс ҳолатда ўрганиш зарурияти, унинг миллий истиқлол ғояси билан суғорилган таҳлил ва талқинини яратиш масаласи ўзбек тарихшунослиги олдида ўрганилиши лозим бўлган кўйидаги долзарб вазифаларни қўяди:

- Бухоро ва Хоразм республикаларида ўрганилаётган давр бўйича партия-давлат ҳокимияти юргизган катагон сиёсати тарихини ўрганиш, илмий хулосалар чиқариш бўйича маълум даражада тадқиқот ишлари амалга оширилган;
- катагон сиёсати ва амалиёти мавзусини ўрганиш илмий-назарий ва тарихий аҳамият касб этиши натижасида мазкур муаммони ҳаққоний ўрганишга бўлган ижтимоий эҳтиёж пайдо бўлди;
- тоталитар тузум шароитида содир бўлган чекланишлар, йўқотишлар, маҳрумиятларни ва мустақиллик даврида ҳуқуқий давлат қуриш сиёсати билан қиёслаш истиқлолни янада қадрлаш имконини беради.

Диссертациянинг илмий янгилиги аввало, мустақиллик йилларида эълон қилинган адабиётлар ва илмий мақолаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва янги бойитилган архив ҳужжатлари, нарратив манбалар асосида Бухоро ва Хоразм республикаларида

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах. /Сост. Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов. Под ред.Д.А.Алимовой Т.: Шарқ. 2006.

² Ражабов Қ. Теоретико –методологическая основа изучения истории вооруженного движения в Туркестане в 1918-1935 гг. // Россия-Узбекистан: история и современность (Ч.И.). Журнал “ЕвроАзия”. Июнь 2008. – С. 4-15.; Ўша муаллиф. Туркистон жамиятидаги назарий таълимотларнинг қиёсий таҳлили. // АнДУ Илмий хабарнома 2009, № 3. 62-67 б. ; Земсков В.Н., Юсупов Э.Ю. О книге “Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг. Документы и материалы” // Отечественная история – М. , 2007. № 6.- С.190-193.; Шамсутдинов Р., Юсупов Э. “Миллий контингентлар” – оммавий катагон қурбонлари. // АнДУ Илмий хабарнома 2009, № 3. 58-62 б. ;Хошимов С.А. Советизация: военные, политические репрессии в Бухаре и Хиве. Научный журнал. Москва., 2011. №4. –С.102-109.; Норжигитова Н. Ўн саккизлар гуруҳи//“Фан ва турмуш”. 2001.5-6 сонлар; Ўша муаллиф “Қосимовчилик” ёхуд ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларининг катагон қилиниши хусусида// “Қонун ҳимоясида” 2001, 10-сон; Ўша муаллиф. Миллий истиқлол ичида яширин ташкилоти бўлганми// “Жамият ва бошқарув” 2002. 4-сон; Ўша муаллиф. “Қатта террор” фожеалари // “Тафаккур”. – 2008, 2-сон; Ишонходжаева З. Иофе В. Репрессивная политика тоталитарного режима в Узбекистане (20-е- 80-е годы XX века). Учебно –методическое пособие по истории Узбекистана для студентов исторических факультетов. Т.: Университет, 2003; Ишонходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и её воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925-1950 гг.) // Автореф. дисс.доктора истор. наук. –Ташкент, 2012.-С.50.

тоталитар режимнинг ўрнатилиши жараёнида амалга оширилган репрессиялар тарихи контекстида коммунистик режим мафкураси, сиёсати ва амалиёти, қатағон механизмнинг шаклланиши ва фаолият юритиш методлари, репрессив чоралар тизими, аҳолига тазйиқ ўтказиш усул-усуллари, модернизация жараёнидаги сиёсий қатағонлар, репрессия қилинганларнинг авлод-аждодлари тақдири масалалари комплекс равишда биринчи маротаба тадқиқ этилади.

Бу магистрлик иши бошқа асарлардан энг аввало масалага тамоман янги муносабатда ёндошганлиги билан фарқ қилади. Мазкур диссертацияни тайёрлаш натижасида эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий- миллий кадриятларни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга, миллий истиқлол мафкурасига мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилинди;
- Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли Фармойишида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги Қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда совет ҳокимияти томонидан 1920-1924 йилларда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудларида совет ҳокимияти томонидан қатағон қилинган шахсларнинг айримлари тақдири ўрганилди;
- Хоразм ва Бухоро республикаларидаги қуролли қаршилик ҳаракатларини бостириш чоралари, ҳаракат қатнашчилари, уларга ҳайрихоҳ бўлган кишилар, тинч аҳолига нисбатан қўлланилган ҳарбий, сиёсий репрессиялар тарихи янги маълумотлар асосида ойдинлаштирилди;
- Бухоро ва Хоразмда совет ҳокимиятининг синфий кураш ниқоби остида аҳолининг турли қатламларига нисбатан қўлланилган ҳуқуқлардан маҳрум этиш “маҳрумлар”га қўлланилган репрессив сиёсатлар бирламчи янги яратилган тадқиқотлар асосида ёритилди;
- совет тузумининг ушбу республикалардаги қатағон сиёсатиинг ижрочи органлари томонидан қўлланилган қатағон механизмлари ва усуллари янги мустақиллик йилларида нашр қилинган асарлар ва илмий мақолалар асосида очиқ берилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти Тадқиқотдан кутилаётган илмий натижалар муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- мавзунини ўрганиш жараёнида истиқлол йўлида шаҳид кетганлар, Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашган, турли жазо ва тазйиқларга дучор қилинган юртдошларимиз тақдири аниқланди;
- диссертацияда илгари сурилган назарий ва илмий фикрлар, хулосалар, фактик материаллар ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида совет даври бўйича янги тадқиқотлар олиб бориш учун маълумотлар захираси бўлиб хизмат қилиши мумкин;

Диссертация материаллари ва ундаги илмий хулосалар Ўзбекистон тарихи тарихшунослигида XX асрнинг 1920-1924 йиллар даврини тўлдириш билан бирга мазкур давр тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун сиёсий репрессиялар мавзуси бўйича муҳим маълумотлар беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари Муаммонинг илмий-назарий, ижтимоий жиҳатдан долзарблиги ва муҳимлиги унинг тадқиқ этилиши даражасидан келиб чиқиб танланган даврда мустабид совет режими юритган қатағон сиёсатининг келтириб чиқарган оқибатларини янги концептуал-методологик тамойилларда ўрганишдан иборат мақсад белгиланди.

Диссертациянинг устувор мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш аниқланади:

- мавзунинг назарий-методологик асослари ва тарихшунослигини ўрганиш, манбаларини таҳлил этиш;
- тоталитаризм генезиси, оммавий сиёсий репрессиялар босқичлари, шакл ва услублари масаласига аниқлик киритиш;
- мустабид тоталитар тузумнинг қатағон сиёсатидан кўзлаган мақсади, унинг моҳият-мазмуни ва қўлланиш методларини тадқиқ этиш;
- XX асрнинг 20-30-йилларида тоталитар империяча ҳокимиятни зўравонлик билан ўрнатилишининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда муҳим жиҳатларини ўрганиш;
- Бухоро ва Хоразм республикаларидаги қатағон сиёсатининг ижрочи органлари Фавқулодда комиссия (ЧК), Бухорога жўнатилга Диктаторлик комиссияси, “Инқилобий” трибуналлар фаолиятини танқидий кўриб чиқиш;
- Бухоро ва Хоразмдаги миллий озодлик кураши (қуролли қаршилик ҳаракати катнашчилари)га қарши юргизилган харбий-сиёсий репрессиялар моҳият мазмунини ёритиш;
- ўрганилаётган даврда мухтор ва мустақил республикалар сиёсий раҳбарлари ва миллий зиёлиларига қарши қатағон-тазйиқ сиёсати, маҳаллий аҳолини сургун ва бадарға қилиш сиёсатини ва оқибатларини очиб бериш;
- Республикалар худудида истиқомат қилиувчи диний уламоларга, рухоният вакилларига қарши кўрилган тайзиқ ва таъқибларни очиб бериш;

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини билишнинг диалектик усули, илмий тафаккурнинг умумбашарий тамойиллари ташкил этади. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафқураси ва миллий ғоя талаблари асосий методологик асос вазифасини бажаради. Шунингдек, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларда, Президент И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида кўрсатиб берилган холислик, ҳаққонийлик тамойиллари ҳамда илгари сурилган методологик, илмий-назарий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек Президентимизнинг 2001 йил 1 май қабул қилган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги қарори мазкур мавзу тадқиқоти учун муҳим методологик-концептуал аҳамият касб этади.

I-боб. XXCP ижтимоий сиёсий жараёнлар ва совет ҳокимиятининг воҳада юритган мустамлакачилик сиёсати.

I.1. Хоразм воҳасидаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар фаолияти.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги асосий ижтимоий ҳаракат жади́дчилик ҳаракати бўлди. Рус босқинидан кейин мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини Россия давлатига қарши кучли муҳолифатга айлантди. Уларнинг орасида маҳаллий юқори табақаларнинг илғор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари куч-қувватга тўлиб борди. Бу шоялар жади́длар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди.

Рус босқинчилари маҳаллий халқни жаҳон тараққиётдан четда қолдириб, фан ва маданиятнинг ўсишига катта тўсқинлик қилди. А.Н.Куропаткин “Биз 50 йил мобайнида туб жой аҳолини тараққиётдан жиловлаб, мактаблар ва рус ҳаётдан четда тутиб келдик”¹, деган эди. Чунки уларнинг Туркистонда олиб борган сиёсати: “Россиядаги мусулмон халқларига бирорта ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ бермаслик керак”, деб фикирловчи П.Ильминский каби сиёсатдонлар қарашларига таянган эди. XIX асрнинг иккинчи ярими – XX аср бошларидаги ана шундай шароит жади́дларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларини белгилаган эди.

¹ Отамурод Қўшжонов., Неъматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. “ABU MATBUOT-KONSALT”. Тошкент. 2007. Б. 265.

Илоҳиётчи олим Августин айтганидек: “Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотмоқ керак”. Зеро: “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”¹. Хива хонлиги сиёсий ҳокимиятини қўлга киритган қўнғирот хонларининг дастлабки ҳукмдори Элтузархон (1804-1806 йилларида хонлик қилган) бошлаб тарихга, тарихнависликка эътибор берилагн. XIX асрнинг биринчи яримида қўнғирот хонларининг ҳомийлиги натижасида Мунис ва Огаҳий томонидан шакллантирилган тарих ва таржимашунслик мактаби XIX асрнинг иккинчи ярими – XX аср бошларида Хива хонлигида вужудга келган маърифатпарварлик йўналиши намояндаларининг етишиб чиқишига туртки бўлди.

В.В.Бартольд “Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликка эга бўлмасинлар, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг қўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи бшйича ёзилган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради”², - деб бир қарашда Огаҳий ва Муниснинг тарихнавислик фаолиятини мактаганга ўхшайди, аслида уларнинг камчиликка эга эканлигига алоҳида урғу беради. Чунки млатни итоатда сақлашнинг муҳим қуроли-унинг қалбида ўз тарихига менсимасдан қараш туйғусини шакллантиришдир. Ўша давр мафкураси бунга шу даражада эришдики, ҳали-ҳанузгача китобхонлар бу асарларни тўлиқ ҳолда ўқиш имконига эга бўла олганлари йўқ.

Ҳатто Хоразм тарихнавислик мактабининг вакилларида бири Муҳаммад Юсуф Баёний ҳам Огаҳийнинг бу асарлари билан таниша олмаганлигини 1911-1913 йилларда яратилган “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида айтиб ўтади: “Аммо Муҳаммад Аминхони жаннатмакон ва Абдуллахони фирлавсошиён ва Қутлимуродхони мағфурнинг воқеатларин Огаҳий алайхур раҳма китобот қайдиға киргузган эканлар. Ул нусха топилмади... Яна Муҳаммад Раҳимхони жаннатмакони сонийнинг етти йилларининг воқеотларин ҳам Огаҳий алайхур раҳма китобат қайдиға киргизган эканлар. Ул ҳам топилмади”. Чунки 1873 йили руслар Хиванм босиб олгач, хон хазинаси билан бирга ундаги китобларни ҳам олиб кетишган эди: “Яна бир уйда уч юз мужаллад ёзма музейян китоблар бор эди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалар қуллуку тизлику ўқ-ёйларнинг ҳаммасига енгил мутассариф бўлди, чун ҳаммаси мурассаъ ва мужавҳар ва баҳодир нимарсалар эрди, Петербургға юборилди”.

Хива хонлигида вужудга келган тарихнавислик, таржимонлик мактаблари изсиз кетмади. У янги бир авлод шаклланиши ва адабий муҳитнинг вужудга келишига асос бўлди. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), Комил Хоразмий, Қозикалон Салимохун каби маърифатпарвар шоир, аллома-амалдорлар Огаҳий яратган мактабнинг тарбияланувчилари эдилар.

XIX аср охирларида Хоразмда маънавий ҳаётни ривожлантиришда, жадидчилик ҳаракатининг маърифатпарварлик босқичи шаклланишига беқиёс катта ҳисса қўшган шоир, мусиқашунос ва давлат арбоби Паҳловон Ниёз мирзабоши Комил Хоразмийдир(1825-1899 й.й).

Саройда ишлаган даврларида Комил Хоразмий ҳаттотлик, мусиқашунослик ишлари бўйича 50 нафардан ортиқ шогирдлар тайёрлаб етиштиради. Комил Хоразмий давлат арбоби сифатида хоразм халқининг маънавий маданиятини ривожлантиришга салмоқли

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т: Ўзбекистон, 1998. 430-бет.

² Отамурод Қўшжонов., Неъматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. “ABU MATBUOT-KONSALT”. Тошкент. 2007. Б. 266.

хисса кўшади. Унинг иштирокида ва Феруз ҳомийлигида Хива шаҳрида нашриёт ташкил қилинган.

Эрондан Иброҳим Султон номли матбаачи саройга ишга таклиф этилади. Чунки Шарқда биринчи матбаа 1832 йили Эронда пайдо бўлган эди. Иброҳим Султон маҳаллий ёшлардан Оажон Абдаловга матбаачилик сирларини ўргатади, 1874 йилдан бошлаб баъзи хужжатлар тошбосма усулида чоп этила бошлайди. 1876 йилда Абу Наср Форобийнинг “Нисоб-ус-сибён” (“Болалар насибаси”) номли фалсифий асари тошбосмада чоп этилган.¹ Феруз Оажон Абдаловга Муҳаммад ва Худойберган ҳаррот, Худойберган муҳркан, Исмоил девон ва Комил девон каби тааққиётпарвар кишиларни ёрдамда қўяди.

1883 йилда Комил Хоразмий Хива хони Муҳаммад раҳимхон II билан бирга Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб, рус халқи маданияти ва ҳаётини ўрганади ҳамда илғор маданият, санъат намуналарини Хивада ҳам йўлга қўйиш ишини хонга тарғиб қилади. Сафардан қайтгач, у Хивада рус-тузем мактаби очилишига раҳнамолик қилди.² Бу эса ўша давр ёшларининг дунёвий ишларидан бағраманд бўлишларига муҳим аҳамият касб этди.

Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) даврида матбаачилик, рус-тузем мактабларининг очилиши, шеърят ва мусиқа кечаларининг йўлга қўйилишида Комил Хоразмийнинг хизмати бекиёс бўлган. “Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасида ўзидан бошқа кучли ва нуфузли ёт бир қувватни кўргач, бир хили замонлар мутассир бўлиб юрди Ўзини тассали қилажак ҳеч бир машғулот топмоқдин ожиз эди. Бироқ онинг атрофидаги одамлар, хусусан мусиқашунос Пахлавонниёз Мирзабоши хоннинг бу ҳолини англаб, они мажлислар тузмакка қизиқтирди”. Натижада Баёний, Камёб, Лаффасий, Аваз Ўтар, Мутриб, Чокар каби тарихчи ва тараққийпарвар демократик кайфиятдаги шоирлар етишиб чикдилар. Улар асарларида мавжуд тузум иллатлари, хон амалдорлари, бойларнинг зўравонлиги ва порахўрликларини халққа фош этиб, шонли штмишни ўрнак қилиб, янги тузумга, янги ҳаёт, тараққиёт ва истиқлолга умид уйғота билдилар. Бу асарлар маърифатпарварлар, жадидларнинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Бу жараёнга Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайиб бориши ҳам, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатди.

Матбаачилик, 1880 йилда иш бошлаган Хивадаги биринчи амбулатория, шунингдек, хивалик савдогарлар илғор фикрли кишиларнинг Москва, Петербург, Қозон каби шаҳарларда бўлиб, рус фани ва маданияти билан танишуви ҳам бу дунёқарашни мустаҳкамлади.

Жадидчилик маърифатпарварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Хива жадидлари фаолиятида ҳам айнан шу йўл кўзга ташланади.

Жадидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ қилиш ва миллатни ривожлантириш орқали жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоя ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим бўлиб, мусулмон туркий оламини жаҳон маърифати, илми даражасига кўтариш ғояси билан суғорилган.

XX аср биринчи чорагида Хоразм ижтимоий- сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, истиқлол ва тараққиёт учун кураш олиб борган ягона куч Ё хиваликлар партияси

¹ Отамурод Қўшжонов., Неъматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. “ABU MATBUOT-KONSALT” . Тошкент. 2007. Б. 267.

² Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т.: Ўқитувчи, 1997. 55-60-бетлар.

(фирқаси) эди. Жадидчилик ҳаракатидан сиёсий партия даражасига кўтарилган Ёш хиваликлар қачон ва чандай ташкил топганлиги ҳақида бугунги кунгача турлича фикрлар мавжуд. Г.Непесов, Н.Қаландаров, К.Б.Муҳаммадбердиев, Ж.Тошқулов тадқиқотлари¹да ҳеч қандай манба кўрсатилмасдан Ёш хиваликлар ҳаракати XX аср бошлари (1905 йил)да биринчи рус буржуа инқилоби таъсирида “Хива жадидиз базасида оппозицион ижтимоий-сиёсий оқим сифатида шаклланди”, деб таъкидланади ва 1910-1911 йилларда Туркия, Эрон инқилоблари сабаб партия ўз ишини анча фаоллаштирди ҳамда 1917 йилга қадар яширин фаолият олиб борди, - ёзишади.

Ёш хиваликлар партияси ташкилотчи раҳбарларидан бири Полвонниёз хожи Юсуповнинг “Япун махорабасидан сўнг газеталар ҳар турлик тараққийларга доир мақоллар ёза бошладилар. Ман алардин ҳар турли газета, журналлар олиб ўқий бошладим. Ондин сўнг ҳар кунда ижтиҳодим (кучим, жаҳдим- Мух) зиёда бўлиб, ҳуррият учун талаша бошладим. Баъзи ҳурриятпарвар биродарлар ҳам қўшилиб, ҳурриятга доир музокаралар қила бошладик” ва “Вақти-вақти пинхоний баъзи ҳурриятчи биродарлар билан сўзлаши, кўнглимизни холи қилур эдик”, - деб ёзган сўзлари юқоридаги тадқиқотлар уяун асос бўлгандир.

Агар П.Ҳ.Юсупов айтган “Ҳурриятга доир музокаралар” да иштирок этган “... шаҳиди ҳуррият Хусайн Муҳаммад девонбеги (Хусайн Матмуродов) ва ҳурриятпарвар биродарлар Шейхназарбой, Омонгелди, Сардорбой, Отажон махрам, Худойберган девон, Назир Шоликоров, Бобожонбой, Нўғой Хасан Алиакбаров” ларни тараққиёт, ривожланиш, янгилик тарафдорлари, десак, нега уларнинг кўпчилиги Хусайнбек Матмуродов бошлик амалдорлар ва уламолар билан Ислохўжа томонидан амалга оширилаётган ислохотларни “шариатга зид амаллар” деб шикоят-ариза ёзишади?!²

Бизнинг фикримизча, бу манфаатлар ўртасидаги кураш бўлиб, ислохотлар натижасида катта мансабдор ва йирик ер эгалари бўлган Хусайнбек девонбеги ва айрим амалдорлар бир қисм даромадларидан махрум бўлган эдилар. Бу қарама-қаршилик оқибатида П.Ҳ.Юсупов эътироф этишича, “Хусайн Муҳаммад девонбеги биродарлари билан бир нечаларимизни тутиб ҳибс қилиб, молу мулкимизни мусодара қилди. Бир неча вақт ҳибсда сақлаб, ҳар бирларимиздин жазои нақдини олиб ҳибсдан халос қилди.” Ҳамда Ислохўжанинг шаҳид бўлишига олиб келдики, бу ислохотларни тўхтатиб қўйди. Шундан кейин Асфандиёрхон атрофидаги янги амалдорлар Муҳаммад Вафо карвонбоши, Ашир махрамлар билан биргаликда мамлакатдаги оғир аҳволга қарамай, халқни эзишни, солиқларни оширишни, айш-ишратни авж олдирдилар. Бу пайтда Биринчи жаҳон уруши бошланган эди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Ёш хиваликлар партиясининг асосчиларидан бири Жуманиёз Ҳожи Бобониёзовнинг “Хива инқилобий ҳаракати тарихига оид материаллар” деб номланган кўлёзма китобида: “Дехқонларни эзиш кундан-кунга ўсди. Шундай қилиб, Ёш хиваликлар кун тартибига зулмга қарши кураш ва хонлик тузумини тенглик ва озодликка асосланган янги тузум билан алмаштириш вазифаси қўйилди. Бу вазифа билан 1914 йил август ойида Хива шаҳрида инқилобий ташкилот тузилиб, П.Ҳ.Юсупов раис ва ҳақиқий аъзоликка; Жуманиёз Ҳожи Бобониёзов, Отажон Сафаев, Бобожон Якубов, Ҳакимбой Девонов, Отажон Хўжаниёзов, Раҳмонберган Якубов, Мухитдин Умаров, Хусайнбек Муҳаммад Мурод (Матмурод) девонбеги ўғли,

¹ Отамурод Қўшжонов., Неъматжон Полвон. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. “ABU MATBUOT-KONSALT”. Тошкент. 2007. Б. 281.

² Повонниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). Урганч: Хоразм, 2000. 77 бет.

Мулла Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Султонқори Жуманиёзовлар сайландилар”¹.

Ёш хиваликларнинг асосий вазифаси озодлик ҳақида, меҳнаткаш деҳқоннинг озод, янги ҳаёти ҳақида танишлар, дўстлар, шунингдек, ишончли одамлар орасида ташвиқот олиб бориш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ёш хиваликлар ҳаракати 1904-1905 йилларда ҳамфикрлар, 1910 йил бошларида манфаатлар гуруҳи сифатида шаклланган бўлса, 1917 йилда амалдорлар, маърифатли бойлар, миллий буржуазия ва зиёлиларнинг Хива хонига муҳолифатдаги сиёсий куч, 1918 йилда эса расмий сиёсий партия сифатида номоён бўлган. Булар дунёқарашининг шаклланиши ва тадрижий ривожланишида хонликдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, Туркия, Эрон, Россия ва Туркистондаги сиёсий ўзгаришлар объектив шароит сифатида катта таъсир қилган ҳамда рус инқилобчилари, солдат шўролари ва Туркистондаги маҳаллий инқилобчилар таъсири субъектив омил сифатида катта роль ўйнаган.

Демак, жаҳидчилик ҳаракатидан ўсиб чиққан Ёш хиваликлар партияси 1918 йил июн ойида Хоразм аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилувчи, ўз дастури ва ташкилий тузилишига эга бўлган расмий сиёсий партия сифатида тўла шаклланди. Бироқ айнан ўша йиллар Ёш хиваликлар партияси аъзолари большевикларга ғоявий жиҳатдан яқинлашдилар ва уларнинг таъсирига тушиб қолдилар.

1.2. XXСР ҳукумати раҳбарларига нисбатан совет ҳокимияти органлари қўллаган қатагон сиёсати.

1919 йил апрель ойида Тахта шартномаси тузилиб, Совет ҳокимияти Хива хонлигида ўзининг тўла ҳуқуқни ваколатхонасини очди. Совет ҳукуматининг Хива хонлиги ишлари бўйича дастлабки ваколатли вакили Христафоров эди. Унинг вафотидан сўнг Туркистон АССРнинг Хивадаги тўла ҳуқуқли вакили қилиб Солдатов тайинланди. Турккомиссиянинг 1919 йил 20 ноябрдаги махсус қарори билан Г.Б. Скалов РСФСРнинг Хивадаги тўла ҳуқуқли вакили қилиб тайинланди.² Айнан ушбу вакиллар Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳарбий ва сиёсий репрессияларнинг тепасида турдилар.

Г.Б.Скалов, Г.И.Бройдо, А.Измаилов, Р.Шокиров, Башмаков, Сафонов, Бик, Йоффе каби РСФСР ва Турккомиссиянинг Хивадаги вакиллари Хоразмдаги большевикларнинг қонли қирғинларини бевосита бошқариб турдилар.

Жумладан, Г.Б.Скалов буйруғи билан совет қўшинлари 1919 йил 22 декабрда мустақил Хива хонлиги бостириб кирдилар. Қизил армия қўшинларининг шимолий

¹ Отамурод Қўшжонов., Неъматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. “ABU MATBUOT-KONSALT” . Тошкент. 2007. Б. 283.

² Қўшжонов. О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. (XIX аср иккинчи ярми-XXаср биринчи чораги). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” МЧЖ, 2007,-Б.313.

отрядлари жануб йўналиши бўйича уруш ҳаракатларини давом эттириб, хонликнинг асосий йирик марказларини эгаллаб борди. 29 декабрда Хўжайли, 9 январда Қўхна Урганч, Омонқабла, 14 январда Порсу, 16 январда Иломи 18 январда Тошховуз босиб олинди. 20 январга келиб Ғазнаобод ва Бадиркент эгалланди. Жанубий отряд эса 24 декабрда Амударёни кечиб ўтди ва у ҳам босқинчилик ҳаракатларини бошлаб юборди. Бу отрядлар сикуви остида Жунаидхон лашкарлари Ғозиобод ва Пахтқабла томон чекиндилар. Бу ерда қаттиқ жанг бўлди. Жунаидхон мазкур жангда ўзининг 400 га яқин жангчисини йўқотди. У Қорақумга чекинишга мажбур бўлди. Қизил армия қўшинлари хонлик пойтахтини эгаллади. Хиванинг сўнгги хони Саййид Абдуллахон 1920 йил 2 февралда хонликдан воз кечди.

РСФСР Марказий ижроқўми ва Россия коммунистик партияси марказий кўмитасининг Туркистон комиссияси ва Туркистон инқилобий ҳарбий кенгашининг махсус вакили Г.Б.Скалов Муваққат ҳукуматни тузди. Унинг ёзишича, бу ҳукумат таркибига кирган аъзоларни Саййид Абдуллахон таклиф этган. Шундан сўнг Муваққат ҳукумат таркибига мулла Жуманиёз Султонмуродов (“ёш хиваликлар”нинг Тўрткўл кўмитаси раиси), Муҳаммаджонбий, Бобоохун Салимов, Жололохун, Мулла Абдулҳайд қори, туркманлардан Мулла Ўроз ва Мулла Наврўзлар кирган.¹

Биринчи кундан бошлаб Хивада Россия ҳукумати, комфирқа ва унинг Турккомиссияси ҳамда Туркфронт ҳарбий кенгаши аъзолари Г.И.Бройдо, А.Измаилов, Г.Б.Скалов ҳамда бошқалар ҳукмронлик қила бошладилар. В.И.Ленин бошлик большевиклар Санкт-Петербургда давлат тўнтариши ясаб, совет ҳукуматини ўрнатиш учун қандай ноқонуний ишларни амалга оширган бўлсалар, Хивада ҳам айнан шу ишлар такрорланди

Хоразм республикасининг давлат тузилиши Турккомиссия раҳбарлигида (Россияда қандай бўлса, шу таркибда) шакллантирилди. Хоразмда маҳаллий совет ташкилотлари барпо қилинди. Марказда ва жойларда ҳокимият советлар ихтиёрига берилди. Бу ҳокимият “халқ ҳокимияти” дейиларди. Советларга халқ вакиллари сайланса ҳам, амалда асосий масалаларни советлардаги коммунистлар фракцияси ҳал қиларди. Коммунистлар сиёсати синфий сиёсат бўлиб, халқ манфаатини эмас, балки унинг бир гуруҳи, яъни пролетариат синфий манфаатини ҳимоя қиларди. Хоразм шароитида ҳақиқий пролетариат бўлмаганлиги учун Россияда амалга оширилаётган РКП (б) МҚ сиёсати бу жойга қолверса бутун Туркистонга тўғри келмас эди. Бундай синфий сиёсатни Хоразм қўллаш халқ норозилигини ошириб борди. Буни тушунган ҳукумат таркибидаги маҳаллий халқ вакиллари Турккомиссия ва Хоразм компартиясининг талабларига кўпинча қарши чиқишарди.

Юқори идоралар билан Хоразм ҳукумати раҳбарлари ўртасидаги келишмовчиликлар воҳада совет ҳокимиятининг сиёсий репрессияларини янада кучайтириши билан изоҳланди. Совет ҳукумати бу келишмовчи кучларни ҳатто қамаш, отиш каби ўзининг зўровон усуллари орқали йўқотиб борди. Бунинг барчаси коммунистларнинг воҳада юритган синфий сиёсатидан келиб чиқарди. Расмий ҳужжатларда ва сўзда Совет ҳукумати ХХСРнинг мустақиллигини тан оларди. РСФСР билан ХХСР ўртасида 1920 йил 13 сентябрда Москвада тузилган иттифоқ шартномасида шундай дейилади: “Россия Хоразм халқ Совет Республикасининг тўла озодлиги ва

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000.-Б.120.

мустақиллигини сўзсиз тан олади.” Лекин бу мустақиллик фақат сўздан иборат эди. ХХСР ҳукуматининг раҳбарлари маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатгани, Турккомиссия раҳбарларининг кўрсатмасини тўла бажармаганлиги учун ХХСР МИҚ Президуми раиси 3,5 йил ичида 7 мартаба алмаштирилди. ХХСР МИҚ Президуми раиси лавозимида М.Оллаберганов, О. Муҳаммадраҳимов, Я.Муродов, А.Хожиев, К.Самаев, С.Жуманиёзов, Н.Айтаковлар ишлаган.¹

ХХСР ташкил қилингандан то тугатилганига қадар ўтган 4 йилдан ортиқроқ вақт ичида халқ нозирлари Кенгаши раислари ҳам 7 марта алмаштирилди. Бунга сабаб Москва билан Хива ўртасидаги, Турккомиссия билан ХХСР ҳукумати раҳбарлари ўртасидаги келишмовчиликлар эди. Маҳаллий раҳбарларнинг Хоразм аҳолисининг барча табақалари манфаатини кўзлаб ўтказмоқчи бўлган сиёсати Марказ сиёсатига мос келмас эди. Бўшатишган барча маҳаллий раҳбарлар совет тузуми олиб борган қатағон сиёсатининг қурбони бўлди. Ё уларни отишди, ёки узок ўлкаларга сургун қилиб қамашди.

Совет ҳокимияти қатағон сиёсатига дучор бўлган Хоразмнинг маҳаллий раҳбарларидан биринчиси Полвонниёз Юсупов эди. “Ёш хиваликлар” ташкилоти фаолларидан бири Полвон Ниёз Юсупов I Умумхоразм қурултойида ХХСР халқ нозирлар Кенгаши раиси қилиб сайланган эди.² Ёш хиваликлар ҳукуматининг кўпчилик аъзолари қатори Полвон Ниёз Юсупов ҳам демократик қарашларга эътибор бўлгани учун, ўз мамлакатининг мустақил давлат сифатида миллий-демократик йўлдан боришини ёқлаб чиқди. Бу РСФСР ҳукумати раҳбарларига ёқмас эди. Шу сабабдан бир томондан Турккомиссия, иккинчи томондан РСФСРнинг мухтор вакили М.Сафонов Хоразм Республикасининг демократик йўлдан борётган ёш хиваликлар ҳукуматини бадном қилишга уриндилар.

Турккомиссия режаси билан Пурхив чақирғига биноан 1921 йил 6 мартда Хивада қизил армия қисмлари айрим коммунистик партия ва комсомол аъзолари иштирокида П.Юсупов бошлиқ ҳукуматга қарши қамайиш ташкил қилди. Қурулланган қизил армия қисмлари ҳукумат уйига бостириб кириб, ҳукумат раҳбарларини ҳибсга олдилар. Халқ Нозирлари Кенгашининг раиси Полвон Ниёз Юсупов яширинишга улгурди. Қизил аскарлар қўлига тушмай қолган нозирлар эса, Жунаидхонга қўшилдилар.³ Шундай қилиб Полвон Ниёз Юсупов номи бадном қилинди. У кейинчалик авф қилинса ҳам, давлат ишларига аралаштирилмади. Бундан кўриниб турибдики Хоразм Республикасида яна ташқи кучлар большевиклар томонидан давлат тўнтариши ўтказилди ва қонуний сайланган ёш хиваликлар ҳукумати ағдарилди. II Умумхоразм қурултойи чақирилгунга қадар давлатни бошқариш 6 кишидан иборат тузилган муваққат инқилобий кўмитага топширилди.⁴ Ж. Қўчқаров раислигидаги инқилобий кўмита республикани икки ой давомида бошқарди.

1921 йил 15-23 майда Хивада халқ вакилларининг II Умум Хоразм қурултойи бўлиб ўтди. Хоразм МИҚ раиси қилиб Муҳаммадрайим Оллаберганов, Халқ Нозирлар Кенгашининг раиси қилиб қароқалпоқ Менглихўжа Ибняминов сайланди. Қурултойда ёш хиваликлар ҳукуматининг сиёсати “халққа қарши қаратилган сиёсат эди”, деб қораланди.

¹ Маткаримов М. Хоразм республикаси давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. -Урганч, 1993,-Б.14-44.

² Хива-минг гумбаз шаҳри.-Т., 1997,-Б.50.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т. Шарқ, 2000,-Б.218

⁴ Хоразм тарихи. II жилд. Урганч, 1997, Б.34.

Афсуски, янги сайланган ҳокимиятнинг фаолияти ҳам узокқа чўзилмади, 1921 йил сентябр ойида бўлган ХХСР МИҚ мажлисида “ўз вазифасини бажара олмаган ва ишни чалкаштирган” деган сохта айблар билан М. Оллаберганов ўз лавозимидан олиб ташланди ва ўлимга ҳукм қилинди.¹ Шундай қилиб М. Оллаберганов ҳам мудхиш тузум қурбони бўлди.

1921 йил сентябрида ХХСР МИҚ Президуми раислигига сайланган Отамахсумохун Муҳаммадраҳимов ҳам ўзидан олдинги раҳбарлар сингари давлат ишларини мустақил бошқаришга ҳаракат қилди. II Умумхоразм қурултойида коммунистлар тазйиқи билан вақфлар ҳам дехқонлар каби солғит солиғи тўлайдиган бўлганди. Вақф ери учун ижара ҳақи тўлаш-тўламаслик диндорларнинг иши, яъни улар ижара ҳақини тўламаслиги мумкин деган қарор қабул қилинган эди. Шу йўл билан коммунистлар диний ташкилотларнинг иқтисодий асосига зарба бермоқчи бўлдилар. Лекин диндор вақфчилар солғитни ҳам, масжид-мадрасалар ижара ҳақини ҳам тўлайбердилар. О.Муҳаммадраҳимов 1921 йил 9 октябрда МИҚ сессияси қарори билан II Умумхоразм қурултойининг вақф тўғрисидаги нотўғри қарорини бекор қилдирди. Бироқ Турккомиссия раҳбарлари уни руҳонийларни ҳимоя қиляпти, деб қоралади. 1921 йил октябрда хоразмга Турккомиссия раиси А.А. Йоффе бошлиқ комиссия келади. У ҳукуматининг айрим қарорларини бекор қилишга ҳаракат қилади. Бунга қарши ХХСР МИҚ раиси О. Муҳаммадраҳимов А.А.Йоффега Хоразм Республикасининг ички ишларига аралашадиган бўлса, 24 соат ичида Хоразмни ташлаб чиқиб кетиш ҳақида ультиматум топширди.²

О. Муҳаммадраҳимов куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслигини тушунгач, Жунаидхон билан муроСага келиш учун махсус комиссия тузиб унинг қароргоҳига жўнатади. 1921 йил 6 ноябрда Хоразм Республикаси ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида “Келишув шартномаси”ни тузишга муваффақ бўлинди.³

О Муҳаммадраҳимов бутун фаолияти давомида ХХСР мустақил давлат сифатида ривожланишини таъминлаш учун курашди. Бу ҳол Турккомиссия ва Марказга ёқмади. Марказдан ҳукумат таркибини ўзгартириш тўғрисида кўрсатма олингач, қаътий ҳаракатга ўтилди. 1921 йил 27 ноябрда бўлган Хоразм компартияси МК, Хоразм Республикаси МИҚ ва Халқ Нозирлар кенгашининг кенгайтирилган кўшма мажлисида Хоразм республикаси МИҚнинг раиси О.Муҳаммадраҳимов, Хоразм Халқ Нозирлари Кенгаши раиси М.Ибнияминов, МИҚнинг иш бошқарувчиси Мулла Бекжон Раҳмонов ва ижроия бўлимининг бошлиғи Муҳаммаджон Абдалов, молия нозирини Муҳаммад Юсуф Отажонов, дохилия нозирини Хасан Эрматов, хорижий нозирини Мулла Ўроз Хўжамухаммедов, ҳарбий ишлар нозирини Миркомил Миршарапов, шунингдек, Тригулов, Агайдаров, Юнгиоровлар “Хоразм халқининг душмани” деб эълон қилинди. Улар лавозимларидан бўшатилиб, қамокқа олиш ҳақида қарор қилинди.⁴ Мажлисга келмай Оллоқулихон мадрасасида яширинган республика ижроқўми раиси О. Муҳаммадраҳимов отишма пайтида ўлдирилди. Шу тариқа, Хоразмда учинчи марта большевикларнинг мухтор вакиллари томонидан давлат тўнтариши ва РСФСРга маъқул бўлмаган ҳукумат раҳбарларини очикдан-очик қатағон қилиш сиёсати амалга оширилди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т. Шарқ, 2000,-Б.219

² Каландаров Н. Образование и деятельности Хорезмской Коммунистической партии.-Т.: 1975,-Ст 154.

³ Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости.-Т., Шарқ, 2000,- С.619.

⁴ Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм республикаларидаги қуролли мухторият кураши. (1920-1924й.); //

Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т. Шарқ, 2000,- Б.220-226.

Менглихўжа Ибияминов, Мулла Бекжон Рахмоновлар қамоққа олинди. Шунингдек, қамоққа олинган Миркомил Миршаропов, Хасан Эрматов, Янгибой Муродов, Юнгиров, Огайдаров, Тригуловлар РСФСРнинг Хивадаги ваколатхонаси ихтиёрига берилиб, Хоразмдан чиқариб юборилди. Муҳаммаджон Абдалов бир йил, Муҳаммад Юсуф Отажонов беш йил қамоққа, Менглихўжа Ибияминов ва Мулла Бекжон Рахмоновлар олий жазо-отиб ўлдиришга ҳукм қилиндилар. Мазкур ҳукмнинг қарори ХХСР МИКнинг Президумида кўрилиб, Менглихўжа Ибияминов ва Мулла Бекжон Рахмоновларнинг ўлим жазолари 10 йилдан қамоқ жазосига ўзгартирилиб, ҳукм тасдиқланган эди. Бирок кейинчалик М. Ибияминов ва Б.Рахмонов қамоқдан озод қилиндилар. Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов туркман уруғи садрларидан бири-Қўшмамедхон Солиев ва унинг 100 кишилиқ отлиқ қўшини отиб ташланган вақтда, шунингдек, Полвонниёз хожи Юсупов ва Отамахсум охун Муҳаммадрахимовга қўйилган айбларга алоқаси йўқлиги ҳамда бу даврда Хоразм Халқ Совет Республикасининг РСФСРга юборган делегацияси таркибида Москвада бўлганлиги сабабли тез орада озод қилинди. Лекин у ҳам тазйиқ остига олингач, Жунаидхон тамонга қочиб кетди.¹

Совет ҳокимияти Туркистонда бўлгани каби Хоразмда ҳам маҳаллий раҳбарларни кўрқитиб уларни йўқ жойдан бўйнига “айблари”ни қўйиб қамаб кейин уларга “мурувват” қилгандек озод қилиб, уларни ўз йўлига юрғизишга ҳаракат қилдилар. Бунда асосан зўрлаш, куч ишлатиш, таъқиб ва тазйиқ механизмларидан кенг фойдаланилди.

Туркистон АССР ҳукумати Миркомил Миршаропов ва Хасан Эрматовларни Хоразм республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши билан уларга қўлланилган жазо чораларини ўзгартирдилар ва улар ҳарбий ўқишга юборилди. Кейинчалик Миркомил Миршаропов (1924 йил феврал ойида) ХХСРга қайтиб келиб, ҳарбий нозир ўринбосари вазифасида ишлади ва Жунаидхонга қарши курашди.²

Ҳукм қилинганларнинг бир қанчалари 1921 йилнинг охири ва 1922 йилнинг бошларида улардан ХХСР ҳукумат раҳбарлиги лавозимларида фойдаланиш учун озод қилинди. Жумладан, Мулла Бекжон Рахмонов-маориф ва маданият ишларига, Муҳаммаджон Абдалво-молия, банк ишларига, Менглихўжа Ибияминов ХХСР МИКга қайта ишга тикландилар. Озод қилинганлардан молия нозир вазифасида ишлаган Муҳаммад Юсуф Отажонов кўп ўтмай Жунаидхон томонга қочиб ўтди ва ғойиб бўлди.³ Булардан кўриниб турибдики совет ҳокимияти Хоразмда ерли халқ ичидан етишиб чиққан сиёсий арбобларни ўз сиёсий ўйинларининг қурбонига айлантирди. Бир томондан сиёсий, иккинчи томондан эса ҳарбий репрессиялар воҳада авж олдирилди. Ҳарбий репрессияларни асосан қизил армия кучлари амалга оширди.

¹ Қўшхонов. О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. (XIX аср иккинчи ярми-XXаср биринчи чораги). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” МЧЖ, 2007,-Б.332-333

² Қаранг: Каримов Н., Ражабов Қ. Миршаропов Миркомил // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.6т.: ЎзМЭ нашриёти, 2003.-Б.10

³ Қўшхонов. О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. (XIX аср иккинчи ярми-XXаср биринчи чораги). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” МЧЖ, 2007,-Б.333.

1.3. Воҳадаги қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш чоғидаги оммавий ҳарбий репрессиялар.

Қизил армия кучлари Хоразмда ўзининг тартиб қоидаларни ўрнатиш чоғида ерли халққа нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлиб ҳарбий репрессияларни кучайтирган. Бу ҳақда РСФСР Халқ комиссарлари Кенгаши ва БМИК Турккомиссияси ходими Г.И.Бройда 1920 йил 10 февралда Турккомиссия йиғилишида шундай дейди: “Ўзимиз қилаётган тартибсизликларни тушуниб етаолмаяпман, комиссиянинг ҳар бир аъзоси мустақил иш юритмаяпти, назаримда Скалов (РСФСР ХКК ва БМИК комиссиясининг Туркистон ишлари ҳамда ТАСССР Ҳарбий Инқилобий кенгаши Хива-Амударё бўлими мухтор вакили)нинг бундай ишга қўл урушига кимдир йўл-йўриқ берган. (Унга кўрсатмани Элиева ва Куйбешев имзоси билан Туркистон Ҳарбий-Инқилобий Кенгаши берган.) Мен эса бутунлай бошқача кўрсатма берган эдим, ҳарбий гуруҳларимиз Хива ишларига аралашса қандай мураккабликлар келиб чиқишини эслатгандим.”¹

Дарҳақиқат воҳада вазият кескинлашди. Амударё бўлими раҳбарлари хатога йўл қўймаслиги, РСФСРнинг ожиз давлатларга бўлган муносабатдаги мезонлар бузилмаслигининг олдини олиш учун БМИК комиссияси Бройдани мухтор вакил этиб тайинлайди.

1920 йил 29 мартда Бройда бошчилигида 150 га яқин киши Петроалександровскка (Хозирги Тўрткўл) келди. Миссия аъзоли мавжуд вазиятни ўрганар экан, жиддий хатоликларни аниқлайди. Ҳарбий трибунал раиси И.Р.Фонштейн бу ҳақда Тошкентга қуйидагича ахборот беради: “Биз бу ерда кўрган нарсалар шунчалки даҳшатки, бунақасини ҳеч қаерда кўрмаганмиз. Ошқора ҳарбий талон-торожликлар уюштирилган, қўлга тушган нарсаларни штаб раҳбарлари ўзларига кўпроқ улуш олиб қолиб, қолганларини тақсимлашган. Хотинларни олиб кетишган, уларни асира сифатида сақлаб, Петроалександровск ва Хива бозорларида ким ошди савдосида сотишган. Хива саройлари

¹ Шарқ юлдузи, 1991, №3,-Б.178.

яксон этилган. Қизил армия аскарлари олдидан чиққан одамни отиб ташлайверган. Скалов буларнинг бошида туради ва у жиноякорона лоқайдлиги учун айбдордир.”¹

БМИК комиссияси аъзоси Шокиров 1920 йил 4 апрелида Тошкентга ёзган хатида хабар беришича, Скалов томонидан ташкил этилган Муваққат ҳукумат бу ердаги талон-торожчи қисмларнинг харбий йўлбошчиси вазифасини бажарган, улар аҳоли мулкани очикчасига талаб, қўлга тушган ўлжаларни ўзаро бўлиб олганлар. Амударё бўлимидаги маъмурлар аёлларни очикчасига сотиш билан кенг шуғулланган. Айрим қизил аскарларга отилиш лозим бўлган кишиларни кўрсатиб отишга изн берилган. Скаловнинг ўзи Хива харбий нозири Сардорбойни отиб ташлаган. Бройда 1920 йил 6 майда бўлиб ўтган Туркистон РКП Қўмитасининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Хоразмда ёппасига очлик ҳукм сруаётганлиги, меҳнаткаш халқнинг ахволи билан ҳеч кимнинг иши йўқлиги қайд этилади. Аксинча бу жойлашган қизил армия қисмлари халқни ёппасига қирғин қилиш, ўғрилиқ ва ахлоқий бузуқ ишларни амалга оширганлар. Бу ишларга Қизил армия бош штабининг ўзи бошчилик қилган. Кимни ким отишини аскарлар штабда ўзаро келишиб олганлар. Бир қизил аскар 600 хонодонни талаб, вайрон қилганлиги аниқланган. Йўл-йўлакай дуч келган одамларни отишган. Қизил армия аскарлари 7 ёшли қизларни номусига теккан, дейди Бройдо. Анашулардан келиб чиқиб, Бройдо скаловчилик, колесовчилик-бошқа мамлакатлар меҳнаткашларининг ижодий кучига ишонмаслик оқибати, деб баҳо беради. Ушбу масалада Бройда Турккомиссиянинг раҳбарлари билан келиша олмай қолади. Натижада уни Тошкентга чақириб олишади. Бroyдонинги ўрнига Хоразмда амалга оширилган барча қатағонларнинг тепасида турган Скалов тайинланади. Шу биргина асосли далилнинг ўзи ҳам ўлкамизда амалга оширилган қирғин ва террор, ахлоқий бузуқлик ва улуғ давлатчилик сиёсатининг тепасида кимлар турганини очик ойдин кўрсатади.

Буни шу нарсадан ҳам билиш мумкинки, 1920 йил 6 майдаги мажлисда Бройдо нутқини тинглаган В.Куйбешев унга бефарқ ва совуқ муносабатда бўлган. Унинг фикрига кўра Бройдо масалани “чигаллаштириб” юборган экан.

М.В.Фрунзе бўлса 1920 йил 14 апрелда В.И.Ленинга “Туркистондаги аҳвол тўғрисида” ёзган хатида “Марказий Қўмита Бroyдани Туркистонга юбориб жуда катта хотоликка йўл қўйган”. Фаолиятининг барча соҳасида мен уни Турккомиссиянинг жохил дохийси деб ҳисоблайман; шахсий ҳаётда эса-бу оддий кўпорувчидир”,² дейди. Бундан кўриниб турибдики Бройдо совет тузумининг иллатларини очик айтиб “жоҳил”, “кўпорувчи”га айланган.

1920 йил 23 июнда маданият ва маориф нозирларининг 18 ёшгача бўлган қизларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори Хива шаҳрида хон тарфдори бўлган руҳонийлар бошчилигида қўзғолон бошланишига олиб келди. Улар Муҳаммад Аминхон мадрасасига бир неча минг мусулмонни тўплаб, шариатни ҳимоя қилиш шиори остида ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариш ва хон хокимиятини тиклашни талаб қилиб чиқдилар. Жунаидхон бошлиқ қуролли ҳаракат қатнашчилари Хива остоналарига ўз қўшинлари билан етиб келиб, қўзғолончиларни қўллаб-қувватлади. Лекин Хивага тез орада катта миқдорда қизил армия қўшинлари етиб келиб қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирдилар. Намойиш қатнашчилари зўрлик билан тарқатиб юборилди. Харбий “инкилобий” трибунал ҳукми

¹ Шарқ юлдузи, 1991, №3,-Б.179

² Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов., Каримов Ш., Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб) Андижон, 2004,-Б.231-232

билан қўзғолон етакчилари ва унинг ғоявий раҳномалари-Иброҳим Охун, Рафиқ охун, Саиджон қори, Мулла Муҳаммадниёз Бодирхонни, Муҳаммад охун ва бошқалар отиб ташланди.¹ Қўзғолонни бостириш чоғида ўзи қизил армия кўшинлари 320 яқин мулла, эшон ва оқсоқолларни хибсга олди. Хибсга олинганларнинг бир қисми сўроқ-савол қилинмасдан судсиз суриштириб нетиб ўтирмасдан отиб ташланди, қолганлари эса сургун қилинди. Бу қўзғолонга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам собиқ Хива хони Саид Абдулло ва унинг қариндош-уруғлари, шунингдек, қозикалон Хикматилла Охун, Обид охун ва бошқалар Хоразм республикаси ҳудудидан бадарға қилиниб, Россия ва Туркистоннинг турли бурчакларига сургун қилинди.² Бу Хоразм республикасида совет ҳокимияти ва қизил аскарлар томонидан амалга оширилган ҳарбий, сиёсий репрессияларнинг дастлабки кўринишларидан бири бўлди. Совет ҳокимиятининг бу хатти ҳаракатлари воҳа халқининг босқинчиларга қарши қуролли қаршилик ҳаракатларини авж олишига сабаб бўлди. Воҳада бу ҳаракат етакчиси бўлиб Жунаидхон сиёсий майдонга чиқди. Дастлаб бошида совет ҳукумати Жунаидхонга қарши курашда айтарли ютуққа эриша олмагач, маккорлик йўли билан айрим туркман уруғлари етакчиларидан фойдаландилар. Бу ўринда хусусан Жунаидхонга қарши бўлган туркман уруғи бошлиқлари Қўшмамедхон, Ғуломалихон ва Яхшигелдиларнинг алданиб 1919 йил ноябрида совет томонига ўтишлари характерлидир. Бу шахслардан совет ҳокимияти Хоразмда Жунаидхонга қарши курашда фойдаланиб бўлгач, уларни ҳам ўзининг қатағон машинаси тифига тортдилар. Уларни йўқ қилиш учун Ғуломали ва Қўшмамедлар совет ҳокимиятига қарши давлат тўнтариши тайёрлапти деган иғво ишлаб чиқарди ҳамда ҳар иккаласини йўқ қилишга қарор қилинди.

Хивадаги совет ҳокимияти кучлари ўзаро махфий келишган ҳолда Ғуломали ва Қўшмамедни 1920 йил сентябрида зудлик билан Хивага чақирдилар. 1920 йил сентябрида ҳеч нарсадан шубҳаланмай Хива шаҳрига қайтиб келган бу икки сардор йигитлари устига қўрққисдан қизил армия солдатлари ташланди ва уларни қуролсизлантирдилар. Хоинларча хибсга олинган Қўшмамедхон унинг хамроҳлари бўлган 80 нафар нуфузли кишилар ва уруғ сардорлари ҳам қизил аскарлар томонидан тунда қатл қилинади. Бундан ташқари икки haftaдан кейин бошқа уруғ сардори Шомурод Баҳши ҳам ўзининг 16 нафар хамроҳи билан бирга ўлдирилади. Ғуломали бўлса қочиб, қуролли ҳаракат қатнашчилари томонига ўтиб кетади. Жазо отряди Ғуломалини таъқиб қилади. Йўл-йўлакай жазо отряди барча кишлоқлар ва овулларга ўт қўйди, тинч аҳолини қирғин қилади. Бу воқеадан ёвмуд туркманлари мол-мулкларини ташлаб Каспий денгизи орқали Эронга ўтиб кетдилар.

Жунаидхоннинг йигитлари 1921-1922 йилларда бирдан 1000 отликка кўпайди. Халқ оммасининг кўп қисми Жунаидхонни қўллаб қуватлай бошлади. Бундан чўчиган совет ҳукумати 1922 йил 15 ноябрда Хоразм компартияси МК Ижроия бюроси мажлисида “босмачи ва калтамакларга қарши кураш учун фавқулодда чора тадбирлар” белгиланди. РКП (б) МК Ўрта Осиё Бюросининг тазйиқи билан Хоразм коммунистлари Давлат Сиёсий бошқармаси (ГПУ) ҳузурида “босмачиликка қарши кураш учун фавқулодда учлик (тройка)” тузиш зарурлигини Нозирлар кенгашига топширди. Фавқулодда учлик зудлик билан ишга киришиши ва “босмачилар” ҳам уларга ёрдам беришда шубҳаланган барча шахсларни 24 соат ичида отиб ташлаши шарт эди. Давлат сиёсий бошқармаси қошида эса 70 кишилик коммунистик отряд ташкил қилинди. Учлик таркибига Сиёсий бошқарма

¹ Хоразм тарихи. II жилд. Урганч, 1997, Б.32

² Отамурод Қўшжонов., Неъматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. “ABU MATBUOT-KONSALT”. Тошкент. 2007.

раиси (Бобо Муҳаммаджонов), инқилобий трибунал раиси (И.Мансуров), Қозок бўлими бошлиғи (Таган Абдуллаев) киритилди. Туркистон ва Бухородаги каби Хоразмдаги бу учлик ҳам Ватанимиз тарихида ўта мудҳиш из қолдирди.

Марказ Хоразмда қуролли қаршилик ҳаракатини тезлик билан бартараф қилиш учун барча имкониятларни ишга солди. Бу талаб, айниқса, 1923 йилдан бошлаб яна кучайди. 1923 йил 12 январда бўлган 3-чақириқ ХХСР МИК II сессиясида Хоразмда 4 йилдан буён давом этиб келаётган “босмачилик” ҳаракатига қарши мавжуд ҳукуматнинг ўзи кураш олиб боришига ожиз эканлиги очиқ айтилиб, РСФСР (аслида СССР) ҳукуматидан “шошилич ҳарбий ёрдам” сўралди.¹

Сессия қарорига асосан, Хоразм республикаси МИК раиси Абдулла Ҳожиёв 1923 йил 4 февралда махсус қарор билан РСФСРдан қўшимча равишда яна ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Мазкур қарорда “босмачилар” билан кураш хали кўнгилдагидек натижалар бермаётганлиги очиқ равишда эътироф этилган эди. Хоразм республикасининг “илтимоси”га биноан Марказ зудлик билан Ашхобод ва бошқа шаҳарлардан Хоразмга айропланлар юборди.² Халқлар, миллатлар ва гуруҳлар ўртасига нифоқ солишда “устаси фаранг” бўлиб кетган большевиклар Жунаидхонга қарши курашга туркман қабила бошлиқларини кўндиришга муваффақ бўлди. 1923 йил 8 августда Тахта Бозор қаъласида барча қабила дохийларининг қурултойи бўлиб, унда 15 киши имзоланган тинчлик шартномаси қабул қилинди. Бу ҳужжатда “Жунаидхон туркман халқи ва Совет ҳокимиятининг душмани деб эълон қилинди.”³ Август ойининг охиридан бошлаб Жунаидхонга қарши жанг ҳаракатларида қизил армия кўшинлари билан биргаликда туркман сардорларининг йигитлари ҳам қатнашишга мажбур қилинди.

Жунаидхон қўлида бу пайтда катта миқдорда ҳарбий куч тўпланган эди. Шу билан бирга 1923 йилнинг декабрида Питнак, Хазорасп, Боғот, Хонқа туманларидаги янги совет ҳукуматига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланиб кетди. Қўзғолончилар жойлардаги совет ташкилотларини тугатиб, мамлакат пойтахти Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунаидхон кўшинлари ҳам ғарб томондан, бир вақтнинг ўзида шаҳарга қараб ҳаракат бошлади.

1924 йил 10 январдан бошлаб Жунаидхоннинг 15 минг кишилиқ пиёда ва отликлардан иборат кўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришди. Совет ҳукумати Хоразмда ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун шошилич чораларни амалга оширди. Халқ комиссарлари Кенгаши ўрнига Ревком (“инқилобий” кўмита) ва Фавкулудда комиссия тузилди. Ҳарбий инқилобий кўмитани Маткарим Абдусаломов бошқарди. Бу “инқилобий” ташкилотлар халқ қўзғолонини катта ҳарбий куч билан аёвсиз бостиришга киришди. Воҳада таъкиб, талон-тороғлар судсиз-сўроқсиз отиб ташлашлар бошланди.

Халқ қўзғолони қатнашчилари, оддий фуқаро “инқилоб душмани”, “исёнчи” ва “босмачи” сифатида отиб ташланаверди. Хоразмдаги совет ҳукумати бу билан чекланмади. РСФСР ҳукуматидан шошилич равишда ёрдам беришни сўрайди. РКП (б) Марказий Кўмитанинг Ўрта Осиё бюроси қўзғолон бошланиши биланоқ, 1924 йил 6 январда махсус қарор қабул қилиб, Туркфронт “инқилобий” кенгашига Хивага қўшимча қизил армия қисмларини юборишга кўрсатма берди. Натижада феврал ойининг

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000, -Б.220-266

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000, -Б.220-266

³ Ўша асар. Б.220-267

бошларида Фарғона ва Бухородаги миллий истиклол курашчиларига қарши курашда катта тажриба орттирган Н.А.Шайдаков қўмондонлигидаги 82-отлик полк, 4-Актюбинск отлик полки ва авиакадрильяси Хива шаҳрига келтирилди. 82-отлик полк 29 январда Хозорасп туманида Оғажон Эшон бошчилигидаги қуролли ҳаракат қатнашчиларига дуч келди. Қуролли ҳаракат қатнашчилари 18 соат узлуксиз давом этган жангдан сўнг, кучлар тенг бўлмагач, чекинишга мажбур бўлдилар. Жунаидхон қўшини Хива шаҳрини бир ой қилган қамалини тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Катта кучга эга бўлган қизил армия қисмлари Жунаидхонга ва бошқа ватанпарвар кучларга қарши ҳужумга ўтди.

Питнак ва Хозораспда Оғажон Эшоннинг гуруҳи қизил армия билан бўлган жангда фаол ҳаракат қилиб, уларни чекинишга мажбур қилди. Лекин 27 февралда Жунаидхоннинг Қуйи Балиқлигидаги қароргоҳи ҳам қизил армия қўшинлари томонида босиб олинди. 1924 йил март-апрель ойларида бўлган жангларда фақат самолётларнинг ёрдами билангина Қорақумдаги Жунаидхон қўшинларининг асосий қисми тор-мор қилинди. Оғажон Эшон ва бошқа сардорлар эса асир олинди ва “инқилобий” трибунал ҳукми билан турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилди. 27 февралдан 2 мартга қадар қизил армия қўшинлари Жунаидхоннинг 300 га яқин қуролли кишиларини қириб ташлади. Шундан кейин ҳам қуролли ҳаракат сўнмади.

Жунаидхон 1924 йил 17 июнда ўзининг 20 та ҳамроҳи билан Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига қочиб ўтади. У совет тузумига қарши курашни 1929 йилгача давом эттирди. Аммо муваффақиятга эриша олмади. Хоразмда қуролли ҳаракат 1931-1935 йилларда ҳам давом этди 20 га яқин кўрбоши дасталари совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар. Бироқ совет ҳукумати уларга қарши курашнинг турли йўллари қўллаб ҳаракат қатнашчиларини жисмонан йўқ қилиб ташлади.

Хуллас, Хоразм республикаси ҳудудида совет ҳокимияти ўз ҳокимиятини ўрнатиш ҳамда уни мустаҳкамлаш йўлида ҳарбий, сиёсий репрессияларни авж олдириди. Бунда катагон сиёсатининг ижрочи органлари Хоразм ЧКлари, ҳудудда ташкилланган “инқилобий” трибуналлар, қизил армия бўлинмалари, Диктаторлик комиссиялари, Давлат сиёсий Бошқармаси ГПУ, ишчи-деҳқон милицияси каби жазоловчи муассасалари асосий роль ўйнади.

Совет ҳокимияти республикалардаги миллий озодлик сари интилувчи турли партия ва ташкилотларни, қуролли ҳаракат қатнашчиларини, аксилинқилобий ташкилотларни, халқни етаклашга қодир миллий зиёли ва диний уламоларни йўқ қилиш, уларнинг эрк учун кураш ғояларини бўғишда ҳарқандай ноқобилликлардан қайтмади. Уларга қарши курашни турли йўллари қўллаб топдики, натижада куч ишлатиш, маҳаллий халқларни қонини тўкиш эвазига Хоразмда совет тузumi ўрнатилди ва ушлаб турилди.

II-боб. БХСР сиёсий ва ҳарбий кураш жараёнидаги оммавий катагонлар.

II. 1. Бухоро амирлигининг қизил армия томонидан аздарилиши жараёнидаги оммавий қатагонлар.

Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Бухорои шариф нафақат ўтмишда, балки XX асрнинг биринчи чорагида ҳам мусулмон ҳуқуқшунослигининг тан олинган маркази эди.

Бухоро Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида, карвон йўллари чоррахасида, Туроннинг юрагида жойлашган шаҳар бўлиб, Файзулла Хўжаев таъкидлаганидек, унинг «юксак маданияти» ва гуллаб-яшнаган марказ эканлиги XX аср бошларида ҳам яққол сезилиб турар эди. Бухоро энг аввало илм маркази бўлиб, жуда кўплаб уламо ва фузалоларни тарбиялаб етиштирган муқаддас маскан ҳисобланган.

XX асрга оид архив ҳужжатларидан бирида ёзилишича, «Бухоро уламолар назарида энг улуғ ва шарафлик шаҳардир. Унинг улуғлиги ҳам ундаги мадрасалар билан ўлчанадур. Шундоқки, бутун Бухоро ўлкасида 450 чорлик мадраса бўлиб, уларнинг 400 таси Эски Бухорода, 2 таси Карманда, 2 таси Эски Чоржўйда, 4 таси Қаршида, ундан қолганлари бошқа шаҳарлардадир. Эски Бухорода энг машхур мадрасалар: Кўкалдош, Нодир Девонбеги ҳам Мир Араблардир».¹

Бироқ Шарқдаги йирик давлатлардан бири ҳисобланган Бухоро амирлиги 1868 йилга келиб Россиянинг ярим мустамлакасига айлангандан сўнг халқнинг тирикчилиги илгаригидан қам оғирлашган эди. Мамлакатдаги халқ кўзголонлари чор Россиясиинг Туркистон генерал-губернаторлигидаги кўшинлари ёрдамида бостирилди. Рус маъмурлари амирликда қатта имтиёзларга эга бўлган.

Россиядаги демократик жараёнлар, 1908 йили Туркияда бўлган Ёш турклар инқилоби, хусусан, Петроград (ҳозирги Санкт-Петербург)даги 1917 йил феврал инқилобидан кейин амирлик ҳудудида жадиличлик ва ундан ўсиб чиққан Ёш бухороликлар² ҳаракати кучайди. Бухородаги жадиличлик Туркистон ўлкаси ва Хива жадиличлиги билан деярли бир вақтда пайдо бўлса ҳам, лекин амирликдаги оғир вазият унинг тараққиётини тезлаштирди. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, бу ҳаракат маърифатпарварликдан сиёсий ҳаракат даражасига ўсиб чиқди. Бухоро жадиждарни мамлакатдаги тузумни ўзгартирмасдан туриб, ўз мақсадларига етиш қийин эканлигини аччиқ тажрибада бир неча бор синаб кўришди.

Ёш бухороликлар партиясининг етакчиси Файзулла Хўжаев кейинчалик ёзишича, Абдулвоҳид Бурҳонов (1875—1934) бошчилигидаги эски жадиждарнинг фикрича, феврал инқилоби таъсирида амир Саид Олимхон давлат ишларини бошқарув соҳасида маълум даражада ислохотларни амалга оширади ва бекларни назорат қилувчи халқ вакиллари муассасасини ташкил этади деган фикрда бўлса-лар, Фитрат етакчилигидаги ёш жадиждар

¹ Қахрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). –Тошкент, Маънавият, 2002. –Б.5.

² Ёш бухороликлар — Бухоро жадиждарнинг сўл оқимидан 1910 йилда ташкил топган партия. Тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакиллари билан тузилиб, дастлаб мажбур амирлик тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституцион монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлоқ ҳокимиятини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган. Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим), Усмон Хўжа (Ўсмонхўжа Пўлатхўжаев) Ёш бухороликларнинг дастлабки ташкилотчилари эди.

халқнинг ҳаракатсизлигидан фойдаланган амир Петрограддаги Муваққат ҳукумат билан узоқ муддатли шартнома тузиб, мабодо ислоҳотлар ўтказганда ҳам арзимас эркинликларни бера-ди, деб ўйлаганлар.

1917 йилнинг мартида Файзулла Хўжаевнинг Бухоро шаҳридаги ҳовлисида Ёш бухороликларнинг махсус кенгаши бўлиб, унда партиянинг 50 дан ортиқ фаоллари иштирок қилишди. Ф. Хўжаевнинг ўзи бу кенгашда қатнаша олмагани туфайли у кенгаш аҳлининг таркиби ҳақида тўла маълумот бермайди, аммо анжуманда бўлган барча гаплардан унинг яхши хабардор эканлиги маълум.

Кенгашда Муваққат ҳукуматга, шунингдек, ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советига телеграф орқали мурожаатнома тайёрланган. 1917 йил 14 мартида Бухородан Фитрат ва Мусо Йўлдошев имзолаган телеграмма Петрограддаги Муваққат ҳукумат раҳбарлари Г.В. Львов, А.Ф. Керенский, М.В. Родзянский, А.И. Гучков номига юборилди. Бу телеграммада Ёш бухороликлар чоризм асоратидан қутулган Россия халқи ва унинг янги ҳукуматини қутлаб, улардан «Бухорода ислоҳот қилинсин учун амирни сиқишни сўрадилар»¹.

Петрограддан тезда Россиянинг Бухородаги сиёсий вакили (резиденти) А.Я. Миллер ва амир Саид Олимхон номига ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги ҳақидаги телеграммалар келади. Бироқ ислоҳот ўтказилмайди.

Бир оз муддат кутилгандан кейин Ёш бухороликлар партияси Марказий Қўмитаси янги телеграмма юборди. Бу телеграмма матнини Файзулла Хўжаев ёзиб, у Фитрат ва М. Саиджонов имзолари билан Самарқанд орқали жўнатилган. Петроград билан фақат ёзишмалар орқали чекланиб қолмай, Марказий Қўмита у ерга ўз вакилларини ҳам юборишга қарор қилди.

Ёш бухороликларнинг расмий вакиллари Фитрат ва Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) Оренбургга етиб борганда, жадидлар билан амир ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш учун Петрограддан махсус комиссия йўлга чиққанлигин эшитадилар. Шундан кейин улар орқага қайтганлар.

Петрограддаги Муваққат ҳукуматда ҳам Бухородаги ислоҳотларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд эди. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, ташқи ишлар вазири П. Н. Миллюков (кадетлар партиясининг йўлбошчиси) амирликда ислоҳотлар ўтказиш тарафдори бўлса, кейин-чалик Бош вазир бўлган А.Ф. Керенский эса Бухорони Россия таркибига қўшиб олишни қаттиқ туриб ёқлади.

Рус резиденти Миллер Бухоро амири ва қушбеги томонидан эълон қилинадиган фармон (манифест)ни яна бир бор таҳрир қилиб, 20 март куни Муваққат ҳукуматнинг ташқи ишлар вазирлигига юборади. 1917 йил 7 апрелда фармон матни бир оз ўзгартиришлар билан Бухоро амири Саид Олимхон томонидан эълон қилинди. Садриддин Айний «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» асарида унинг асл мазмунини форс (тожик) тилида келтириб, сўнгра ўзбекчага таржимасини беради.

С. Айний ва Ф. Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, амир фармони рус элчихонаси аъзолари, Самарқанддан табрик учун келган муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий, шунингдек, қозикалон Шарифжон Махдум (тахаллуси Садр Зиё, 1867— 1932), уламолар ва савдогарлар ҳозирлигида ўқиб эшиттирилди.

¹ Қахрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). –Тошкент, Маънавият, 2002. –Б.7.

Файзулла Хўжаев ўзининг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» китобида хотирлашича, ўша куннинг ўзида Ёш бухороликлар йиғилиш ўтказиб, манифестдан кейинги ҳолатни муҳокама қилишди. Ундан йиғилиш қатнашчилари хурсанд бўлиб, бу воқеа Бухоро халқини асрий ҳуқуқсизликдан озод этиш учун қўйилган дастлабки қадам деб баҳоладилар. Меҳнатқашларга амир фармонининг мазмунини тушунтириш учун митинг ва йиғилишлар ўтказиш тўғрисидаги таклиф барча иштирокчилар томонидаи маъқулланган бўлса-да, махсус инқилобий намо-йиш ўтказиш ғояси бирдай қабул қилинмади, А. Бурҳонов ва унинг тарафдорлари бўлмиш эски жадидлар бу таклиф-га қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича, намоёйиш ҳозирги кунда қаттиқ ғазабланган мутаассибларнинг яна ҳам жиғига тегиб, уларнинг амир атрофига бирлашувига ва ҳаттоки қон тўкилишига олиб келад. Намоёйиш билан эмас, балки ташкилотни мустаҳкамлаш билан шуғулланинг мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Бу фикр А. Бурҳоновдан ташқари, бир гуруҳ Марказий Қўмита аъзолари, шунингдек, С. Айнийнинг ўзи ҳам қўллаб-қувватлаган.

Амир билан тўқнашувдан қочиб бўлмайди, барибир Олимхон ўз душманларинн эсдан чиқариб қўймайди. Шунинг учун ҳам биз намоёйиш ўтказиб, мағлубиятга учрасак ҳам ўз кучларимизнинг миқдорини билиш, омма орасида очиқ ташвиқот юритиш, шиорларимиз билан халқни таништириш ва жанжал туфайли сафимиздаги иғвогар ва сотқинларни аниқлаш имкониятига эга бўламиз, деб ўйла-гач Ф. Хўжаев бошчилигидаги Ёш бухороликлар жон-жаҳдлари билан намоёйиш ўтказишни қўллаб-қувватладилар.¹

Бироқ мутаассиб руҳонийлар ва мадрасаларда таҳсил олаётган муллаваччалар намоёйишчиларга қарши ташланиб, уларни ура бошладилар. Бухоро шаҳрида тартибсизлиулар бошланди. Натижада намоёйиш қонга ботирилди. Амир фармонини ёқлаб чиққанлардан кўпчилиги зиндонга ташланди. Қалтакланганлар орасида ўлганлар ҳам бўлди, Демак, армиянинг фармони фақат қоғозда қабул қилинган бўлиб, у амалда жорий қилинмади. Ёш бухороликлар энди яширин ҳолатда ҳаракат қилишга мажбур бўлишди.

Файзулла Хўжаев ва бошқа Ёш бухороликлар зўрға Когон шаҳрига қочиб, омон қолдилар. Янги Бухоро ишчи ва солдат депутатлари Советининг саъй-ҳаракатлари натижасида амир зиндонидаги жадидлар ҳам озод этилди. Бухородаги апрел воқеалари амирлик ҳудудидаги демократик ҳаракатнинг ривожланишига катта таъсир қилди.

Октябр тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди.

1917 йил 2 декабрда бўлиб ўтган Бухоро амирлигидаги рус кишлоклари вакилларининг II вилоят съездида Россия ва Туркистон ҳукуматининг Бухоро ишлари бўйича ҳайъати сайланди. Орадан кўп ўтмай Ёш бухороликлар партияси Файзулла Хўжаев бошчилигидаги делегацияни кескин ва қатъий чора кўриш учун Тошкентга жўнатишди. Улар Бухорода очиқ кўзғолон кўтариш учун шароит етил-ди, унда камида 30.000 киши иштирок этади деб Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советини ишонтирдилар.

Большевиклар энг аввало ўз мудҳиш режаларини амалга ошириш мақсадида Ёш бухоролик жадидларни қўллаб-қувватлашди. 1938 йил 1 мартда Туркистон ХКС раиси Ф.И. Колесов бошчилигидаги қизил гвардиячилар отряди тушган эшелонлар Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳридан Бухоро томон йўлга чиқди. Колесов биринчи жангда ғолиб

¹ Қахрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). –Тошкент, Маънавият, 2002. –Б.8.

келди, шундан сўнг амир тинч музокаралар олиб боришга рози бўлди. Кейин жанг ҳаракатлари қайтадан давом этди. Бу жангларда бухороликлар ғалаба қозонишди. Темир йўл излари бузиб ташланганлиги оқибатида ҳар томондан узиб қўйилган Колесов эшелонлари Самарқанд томонга йўл олишга мажбур бўлдилар.

Тошкентдан зудлик билан Колесовга ёрдамга юборилган қизил гвардиячилар 11 мартда Кармана шахрини эгалладилар. Улар амирнинг ёзги саройига жойлашдилар ва хотиржам бўлдилар. Шундан сўнг босқинчиларни бухороликлар қалъадан қувиб чиқаришган. Большевикларнинг Тошкентдаги сиёсий мухолифлари улар тутган босқинчилик йўлини маъқуллашмади, шунинг учун ўлка Халқ Комиссарлари Совети амир Саид Олимхон билан музокарага кўнди.

1918 йил 25 мартда Қизилтепада Туркистон ХКС билан Бухоро ўртасида битим тузилди. Тўққиз банддан иборат битим матнидан шуни англаш қийин эмаски, Бухоро амирлиги фақат жабр кўргангина эмас, аксинча, ўз давлати ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатларда айбдор деб ҳисобланди ва товон тўлашга мажбур қилинди.

Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, Колесовнинг ифвогарона ҳаракати ўз моҳиятини йўқотганлиги ва муваффақиятсизликка учраганлигининг асосий сабаби айрим тарихчилар ёзаётганидек, Ёш бухороликлар партиясининг кенг омма ишончини оқламаганлигидан эмас, балки қизил гвардиячи отрядлар, гарчи улар сафида Ёш бухоролик жадидлар бўлса ҳам, Бухоро ҳимоячилари томонидан истиклочи ва босқинчи сифатида қабул қилинганлигида эди.

Чунки, сал кейинроқ Туркистон ўлкасининг фавқулодда комиссари қилиб В.И. Ленин томонидан тайинланган П.А. Кобозевнинг шохидлик беришича, «Степанов ва Колузаев бошчилигидаги Тошкент—Перовск қизит гвардия отряди Бухорога қилган ҳужумидан-жуда-кўп миқдорда мусодара қилинган пул, сигир, от ва бошқаларни олиб қайтди: улар шундан бир қисмигина республика хазинаси ва ҳукуматига расмий равишда топширишди, анча қисмини ўзларида яшириб олиб қолишди... Бухоро ва Қўқондан Колесов ўнлаб миллион сўм олиб келиб, -билганича сарфлади, пуллар дарёдек оқиб келарди, ҳеч ким уларнинг ҳисобини олмаган».¹

1918 йил мартада амалга оширилган Колесовнинг Бухорога юриши Бухоро амирлиги билан совет Туркистони муносабатларининг келгусидаги тарзини кўп жиҳатдан олдиндан белгилаб берди. Бухоро ҳукмдори Саид Олимхон хориждан ишончли ҳамкорлар излашга киришди. Бироқ бу ҳаракатлар етарли даражада самара бермади. Фақат кейинчалик Саид Олимхон билан Жунаидхон (1857—1938) ўртасида совет Россиясига қарши кураш учун ҳарбий иттифоқ тузилди, холос.

Афсуски, амир Саид Олимхон мамлакат тақдири ҳал қилинаётган ушбу нозик фурсатда мухолифатдаги Ёш бухороликлар партияси арбоблари билан тил топиша олмади. У мамлакатда конституцион монархия ва демократик тартиботларни ўрнатмоқчи бўлган жадидлар – Ёш бухороликларни аямасдан қириб ташлади. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, амир Колесов воқеасидан кейин . мамлакатда 1500 кишини жадид сифатида қатл қилган. Садриддин Айнийнинг ёзишича, пойтахт Эски Бухоро ва Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қорақўл, Ванғози каби атроф туманлардан ташқари Кармана, Хатирчи, Чоржўй, Карки, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Ҳисор бекликларида ҳам минглаб кишилар жадидликда айбланиб, ноҳақ ўлдирилди. 1918 йил амир ҳукумати, ҳатто еттита муллани ҳам ўлдирди. Ўлдирилганлар орасида йирик сарой аъёнлари ҳам бор

¹ Бухоро Шарқ дурдонаси.-Тошкент, Шарқ, 1997, -Б.72

эди. Тараққийпарвар ва атоқли уламолардан Домла Икром (Икромча), Бухоро қози калони Шарифжон Махдум каби зотлар амир зиндонида ётдилар.

Ёш бухороликлар амирлик ҳудудидан дарҳол чиқиб кетишга мажбур бўлишди ва Туркистон республикасидан сиёсий бошпана сўрашди. Совет Туркистони раҳбарлари Ёш бухоролик жаидларга нохуш муносабатда бўлишди. Ф. Хўжаевнинг ёзишича, мухожирликда уларнинг кўпчилига очарчилик натижасида ўлди. Партия сафларида ғоявий тушкунлик, гуруҳбозлик ва парокандалик юз берди. Ёш бухороликлар Самарқанд ва Тошкентда, кейинчалик Москва ва бошқа шаҳарларда фаолият кўрсатдилар. Большевиклар Ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаландилар. Улар ҳам тактик мақсадларни кўзлаганда ҳолда большевикларга яқинлашишди.

1920 йил 14 июнда инқилобчи Ёш бухороликлар партиясининг конференциясида Файзулла Хўжаев ишлаб чиққан программа (дастур) қабул қилинди. Дастурда шариат адлия ишларини олиб боришнинг негизи деб эътироф этилган эди. Ёш бухороликларнинг фикрича, «шариат адолатни талқин қилувчи ва камбағалларни ҳимоя этувчидир», Дастурда амирликни қурол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони халқ демократик жумҳурияси деб эълон қилиш талаб этилган эди.

1920 йил май ойи бошларида Москвага келган Туркко-миссия (Туркистон Комиссияси) аъзолари Ш.З. Элиава ва Я.Э.Рудзутак Россия ташқи ишлар комиссари Г.Ф. Чичеринга Турккомиссиянинг «эртагаёқ Бухоронинг мустақил-лишни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариши» мумкинлиги ҳақидаги қатъий баёнотини топширди. Турккомиссия Бухоро давлатига қарши ҳарбий жанг амалиётлари (операция) ўтказилишининг бугун тафсилотларини Туркфронт (Туркистон fronti) қўмондони М.В. Фрунзе билан биргаликда ишлаб чиққан эди. Фрунзе Турккомиссия аъзоси ҳам бўлган.

1920 йил ёзида Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда ҳам кескинлашди. 25 августда қўмондон Фрунзе Туркфронт қўшинларига «қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида» буйруқ берди. Зарбдор гу-руҳларнинг кўпчилигига дастлабки марра (позиция) ни эгаллаш ва 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Жанг ҳаракатларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун Когон шаҳрига Турккомиссия ва Туркбюронинг янги аъзоси Г. Сафаров жўнатилди. Босқинчи қизил армия томонидан Бухоро шаҳрига ҳужум ҳам 29 августга ўтар кечаси бошланди. Ҳал қилувчи жанглар Бухоро-рои шариф дарвозалари яқинида рўй берди. Бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди қуйидагича ёзган эди: «Шаҳар маркази ер билан яқсон қилинди. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолетлар ишга солинди. Минглаб снарядлар ва бомбалар эски Бухоро устига ёғдирилди. Шаҳар ҳимоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар, аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Юзлаб аҳоли уй-жойлари, меъморчилик ва тарихий обидалар ер билан яқсон бўлди. Регистон ёндирилди».¹

Босқинчи ва талончи қизил аскарлар томонидан «Шарқ мўъжизаси» ҳисобланган муқаддас Бухоро ана шундай шафқатсиз равишда ўққа тутилди. Амир Саид Олимхон ўз хотираларида бу фожиаларни қуйидагича тасвирлайди: «Бу ' уруш асносида душман тахминан Бухоронинг ярмини тўп ва пулемётдан ўққа тутиб кўп талафот етказди. Улар ўн битта тайёра билан Бухоро шаҳри устида ҳавода парвоз этиб, бомба ёқдирдилар».² Амир

¹ Қахрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). –Тошкент, Маънавият, 2002. –Б.8.

² Ўша жойда.

ўзи ёзганидек, «вайрона-гарчилик янада зўрайиб, одамларнинг яна ҳалок бўлишига йўл қўймаслик андишаси ила» ўз қўшинлари билан пойтахтдан чиқиб кетди.

1920 йил 2 сентябрда Туркфронт қўшинлари қаттиқ жанглардан кейин Бухоро шаҳрини эгаллашди.

Фрунзе бошчилигидаги қўшиннинг умумий миқдори 70000 киши бўлган. Шундай қилиб, Шарқнинг энг қудратли ва кўҳна давлатларидан бири Бухорода қизил аскар найзалари остида амирлик ҳокимияти ағдариб ташланди, Бухоро ваҳшиёна бомбардимон қилинди, шаҳардаги икки ярим минг йиллик тарихга эга кўплаб осори-атиқалар вайрон бўлди, бутун шаҳар ўт ичида қолди. Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб айтишган. Минглаб бухороликлар ўз муқаддас шаҳарларини ҳимоя қилиш пайтида жон бердилар. Босқинчи қизил аскарлардан ҳам 500 дан ортиқ киши шаҳарни босиб олиш пайтида мудофаачилар томонидан ўлдирилди.

1920 йил сентябр ойида Бухоро шаҳри қизил аскарлар томонидан армонсиз таланди. Амирни хазинаси М.В. Фрунзе ва В.В. Куйбишевнинг кўрсатмаси ила зудлик билан Москвага жўнатилди. Тадқиқотчилар архивдаги манбалар асосида Бухородан ҳаммаси бўлиб икки эшелонда (ҳар бирида 14 тадан вагон) олтин ва қимматбаҳо буюмлар олиб кетилганлигини эътироф этишмоқда. Бу бойликнинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан тахминан 77 миллион тилла сўми ташкил қилган.¹ Бу маблағни ҳозирги баҳога чақадиган бўлсак тахминан 80 миллиард долларни ташкил қилади.

1920 йил 25 августда қўмондон Фрунзе Туркфронт қўшинларига “қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида” буйруқ беради. Зарбдор гуруҳларнинг кўпчилигида дастлабки позицияларни эгаллаш ва 29 август ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буйрилади. Қизил аскарлар томонидан “Шарқ мўъжизаси” ҳисобланган муқаддас Бухоро шаҳри шафқатсиз равишда ўққа тутилди. Замонавий қуроллар билан қуролланган қизил армия 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузумини ағдарди. Шундай қилиб, Бухорода қизил аскарлар найзалари остида амирлик ҳокимияти ағдариб ташланди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлари Шўроси, Ревком ва БКП МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий комитети (раис Абдулқодир Муҳиддинов) ва республика ҳукумати 2 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раис Файзулла Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий комитетининг аъзолари қилиб М.Аминов, Олимхон Ачқурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Хожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, Қулмуҳаммедов тайинланди.²

1920 йил октябрь-ноябрь ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда эса ҳар икки давлат ўртасида “Иттифоқ шартномаси” имзоланди.³ Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган Бухородаги Ёш Бухоро давлат арбоблари фаолиятини чеклашга олиб келди. “Иттифоқ шартномаси” мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшинлари туришини “қонуний асослаб” бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан қуроли аралашувидан бошқа нарса эмас эди. Қизил

¹ Узоқов Х., Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтинлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», №33, 1992 йил, 14 август.

² Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: манархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар). Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам № 2. Т.: Шарқ, 1999, - Б.152.

³ Ўша жойда. -Б153.

армия кучи билан минглаб махаллий тинч аҳолини ҳам қириб ўрнатилган совет ҳокимияти Бухорода яна Қизил армия қисмларини ушлаб туриши, ерли халқ урф-одатларини менсимай оёқ ости қилиши Бухоро заминида ҳам совет ҳокимиятига қарши қуролли қаршилик ҳаракатини кучайтириб юборди.

Бухоро Республикаси ҳудудида қуролли ҳаракатнинг етакчилари бўлиб Анвар Пошшо, Иброҳимбек Лақай, Давлатманбек, Абдулқодирбек, Ҳожи Сами Афанди (Сурхон воҳаси ва Тожикистон ҳудудларида ҳаракат қилди), Баҳромбек кўрбоши, Бўри Тўқсобо кўрбоши (Қаршидан), Шароф ўзбек кўрбоши (Бешкентдан), Хўжамбек кўрбоши (Китобдан), Қорақулбек ва Маматқул амир кўрбошилар (Кўрғонтепадан), Баҳромбек кўрбоши, Жабборбек кўрбоши, Очилбек кўрбоши, Хамроқул кўрбоши, Очил тўқсобо кўрбоши, Гулом Авғон кўрбоши, Аъзамхон Эшон кўрбоши, Сайфулла Мирохўр кўрбоши, Шербек кўрбоши (Самарқандда), Холбўтабек кўрбоши, Мустафоқулбек кўрбоши (Ўратепадан), Ниёзбек кўрбоши (Жиззахдан), Бобоёр кўрбоши, Тўхтамурод кўрбоши, сепкилик Ҳайдар Мерган кўрбоши, Тимдан Рўзи кўрбоши, олти ўғиллик Қорача Мерган кўрбоши (Хатирчидан)¹ ва бошқалар ҳаракат қилдилар. Совет ҳукумати уларга қарши қурашнинг турли усулларини қўллаб уларнинг эрк ва озодлик қурашини бостиришга ҳаракат қилди. Бухоро Республикаси ҳудудида ҳарбий, сиёсий репрессиялар авж олди.

II.2. Қатагон сиёсатининг ижрочи органлари Бутунбухоро Фавқулудда комиссияси (ЧК), Диктаторлик комиссияси, “инқилобий” трибуналлар фаолияти.

¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб)...-Б.286.

Бухорода совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, қуролли ҳаракат қатнашчиларини жисмонан йўқ қилишда қизил армия бўлинмаларига аксилинқилобий ҳаракатларга қарши курашиш мақсадида ташкил қилинган совет ҳокимиятининг Бухородаги қатағон сиёсатининг дастлабки ижрочи органи бутунбухоро Фавқулодда комиссияси (ЧК) таянч вазифани бажариб берди. Марказдан юборилган чекистлардан ташкил топган Бухоро ЧК “миллий аксилинқилобий” ҳаракатларга қарши, қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Совет идеологиясига қарши бўлган кишиларни жисмонан йўқ қилиш билан шуғулланди.

1920 йил кузида Бухорода большевиклар томонидан ташкил қилинган Бухоро ЧК сининг раиси Ҳожи Ҳасан Аҳромим ўғли, “Инқилобий” трибунал раиси эса Олимжон Акчурик бўлиб, улар Бухорога Марказ томонидан юборилган эдилар.

“Бухоро ахбори” газетасида ёзилишича, 1920 йил 6 ва 9 сентябрда Бухоро Марказий фавқулодда текширув комиссияси (Бухоро Чекаси) томонидан йирик уламолар; қозикалон Мулла Бадриддин, домла Фаҳриддин, Қори Амин Исрофил ўғли, Мирзо Сафар бий Шариф ўғли, Мирзо Омон Бурҳон ўғли, Аҳадхўжа Азизхўжа ўғли ва бошқалар аксилинқилобчиликда айбланиб, отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Бундан ташқари 1920 йил 18 октябрда бўлган Олий инқилобий ҳарбий трибунал (Ревтрибунал) мажлисида Қозикалон Бурҳониддин, раис Мулла Асомиддин, Аҳрорқўл Тўқсабо, Усмонбек қушбеги, Ҳожи Қаршибек каби Бухоронинг кўплаб машҳур кишилари 24 соат ичида отиб ўлдиришга ҳукм қилинди ва улар зудлик билан қатл этилди. “Бухоро ахбори” газетасининг 21 ноябрдаги сонидида Бухорода қатл қилинган бошқа 29 кишининг ҳам исм-шарифи келтириб ўтилади.¹

1922 йил ёзида Бухоро шаҳрида яширин фаолият кўрсатган миллий ташкилот фаолияти БХСР ҳукумати ва чекистлар томонидан аниқланади. Ташкилот аъзолари Бухородаги истиқлолчиларга ғоявий раҳбарлик қилганлиги учун зудлик билан унинг фаоллари ва унга хайрихоҳ кишилар қамоққа олинади. Ўша давр матбуотида махфий ташкилот фаолияти, ташкилотнинг дастури (маромномаси), унинг раҳбарлари ва фаол аъзолари, уларнинг истиқлолчилар билан алоқаси ҳақида муҳим маълумотлар эълон қилинган. Ташкилот фаолиятини ўрганиш учун БХСР ҳукумати Мухторжон Саиджонзода, Абдурахим Юсуфзода, Абдурауф Фитратдан иборат махсус комиссия тузади. Комиссия ўз хулосаларини бергач, улар ҳам матбуотда эълон қилинган.²

Большевикларнинг махсус органлари томонидан олиб борилган текширувлардан сўнг Эски Бухорода махфий ташкилотнинг қуйидаги 10 нафар аъзоси отишга ҳукм қилинади:

1. Абдурахмонжон Назиржон ўғли-амирнинг амакиваччаси, хоинлар ташкилотида раислик вазифасида бўлган ва афғон сафири (элчиси) билан шаҳардаги Дарвозаи Имомда ташқари қабристонга чиқиб, кеча мартаба мажлис қилган ҳамда амирга ва Анварга хат ёзғонига ўзи иқроп бўлган.
2. Ғуломжон Маҳдум Саъдулла ўғли-раис муовини ҳамда ташвиқот мудирини бўлиб ҳовлисига муллаларни йиғиб, ташвиқот этиб ва ҳар тарафда ташвиқотчилар юборган ва ўз ҳовлисини жамият мажлисларида марказ ясаган. Амир ва

¹ Қахрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент “Маънавият” 2002. Б.9.

² Д.Мўминов Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар) Тар. фан. ном. илм. дар. олиш учун дисс. -Т.2010. -Б.90-93

Анварга хатлар ёзган ва ҳамда туманга чиқиб, Абдулқаҳҳор босмачини кўриб ундан Бухорога эълон ва хатлар келтирганига ўзи иқдор бўлган.

3. Исмаъжон Ҳикмат ўғли-жадидлардан ва Ёш бухороликлардан бўлган.....

4. Қори Самиъ Шариф ўғли-мазкур ташкилотнинг Бош котиби бўлиб, тамоман амирга ва Анварга, босмачиларга хат ёзганлигига ўзи иқдор

5. Абдулнаим Шариф ўғли-мухбирлик вазифасида бўлиб, ташкилот қарорларини сафаратхонага (элчихонага) элиб, сафаратхонадан хатларни жамиятга келтириб ва фуқароларни сақлаб, ташкилотда хизмат этганлигига ўзи иқдор

6. Мирзо Баҳром Сафар ўғли-ташкилотга раҳбар бўлиб турган ҳамда босмачилардан унга хат келган, амир ва Анварга хат ёзганига ўзи иқдор.

7. Қори Яҳё Гадоё Мурод ўғли-Хўжам жаҳон (Ғиждувон)да туриб, у ерда жамият ташкил этиб, босмачилар билан алоқада бўлиб, ташкилотдан ёзган хатларини босмачиларга юбориб, босмачилардан келган хатларни ташкилотга юборганига ўзи иқдор.

8. Мирзо Абдулшокир Мирзо Сафар ўғли-Қори Яҳё билан биргаликда ишлаб, босмачиларга хат ёзиб, босмачилар ҳаракатини жамиятга билдириб турган.

9. Абдулвоҳиджон Абдулмўминжон ўғли-амирнинг амакиваччаси, ташкилот тарафидан босмачиларга ўқ ва милтиқ юбормоқни ўз бўйнига олган ва босмачиларга ўқ юборган ҳамда босмачилар ҳукуматга таслим бўламиз деган вақтда, таслим бўлмангиз, ҳукумат сизларни тутиб ўлдирадир, деб хат ёзганига ўзи иқдор.

10. Мусо Хўжа-ташкилотчилик вазифасини ўз бўйнига олиб, ташвиқ қилғонга ўзи иқдор.¹

Хуллас, Бутун Бухоро Чекаси (Бухоро Фавкулудда тафтиш кўмитаси) ва БХСР Ички ишлар нозирлигининг ахборот шўъбаси ташкилот аъзолари ҳақида юқоридаги маълумотларни аниқлаган. 1922 йил 17 июлда ташкилотнинг ушбу 10 нафар аъзоси Бухоро шаҳри деворлари олдида Бутун Бухоро фавкулудда комиссияси томонидан номойишкорона тарзда отиб ташланди. “Красная звезда” газетасида ёзилишича, отиб ташланган орасида Ғиждувон ревкомининг раиси Қори Оқил, Ғиждувон Чекасининг раиси Абду Шукур каби БХСР ҳукуматида маъсул лавозимларда ишлаган миллий раҳбар ходимлар билан биргаликда ташкилотнинг раиси –Абдурахмон (амирнинг куёви ва амакиваччаси бўлган), Абдулвоҳидхон (амирнинг амакиваччаси), Мирзо Баҳром (амирнинг собиқ мирзаси) сингари Бухоро амирининг қариндошлари ва яқин кишилари бўлган.

Ташкилот фаолияти чекистлар томонидан кейинчалик яна жаддий текшириб чиқилган. Ташкилотга ёрдам берган Қози Камолиддин ташкилотчилик қилганлиги учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Маҳфий ташкилотнинг бошқа аъзолари ҳам қатағон қилинган.

Бухородаги қатағон сиёсатининг ижрочи органларидан яна бири диктаторлик комиссияси эди.

¹ Д.Мўминов Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар) Тар. фан.ном.илм.дар.олиш учун дисс.-Т.2010.

1922 йил бошларида Шарқий Бухорода вазият истиқлолчилар яъни қуролли ҳаракат қатнашчилари фойдасига тубдан ўзгаргани сабабли Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси, БХСР Халқ Нозирлари Совети ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий комитети (БКПМК) 1922 йил 2 январда бўлган қўшма мажлисида БХСР МИКнинг Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда Диктаторлик комиссиясини тузишга қарор қилди.

БХСР МИК 1922 йил 8 январда Диктаторлик комиссиясининг инструкцияси (қўлланмаси)ни тасдиқлади. Унда Шарқий Бухоро туманларида инқилобий тартиб ўрнатиш, бутун кучни “босмачилар”ни тор-мор қилишга сафарбар этиш ва совет ҳокимиятини тиклаш комиссия олдига асосий вазифа қилиб қўйилди. Диктаторлик комиссиясининг асосий ҳуқуқлари, ваколатлари ва функциялари батафсил баён қилиб берилди. комиссия таркибига Носир Ҳакимов (раис), Олимжон Ачқурин (раис муовини), Рашид Боймуродов, Аҳмад Комилов, Хожа Самандаров, Зайнуллаҳожи Зикриёев (аъзолари) киритилган.

Ушбу инструкцияга кўра, “Бутун Бухоро МИК Шеробод, Ҳисор, Фарм ва Кўлоб вилоятлари Диктаторлик комиссиясига батамом бўйсинади”, деб белгилади. “Бундан ташқари, комиссия зиммасига, конституцион қонунларни бекор қилмаган ҳолда, Қарши, Шаҳрисабз, Карки вилоятларида ҳам тартиб ўрнатиш вазифаси юкланди.” Комиссияга бу вилоятлардаги ижроия комитетларини тугатиш ва уларнинг ўрнига революцион комитет (ревком)лар тузиш ҳуқуқи берилди.¹

1922 йил 1 февралда РКП (б) МК Сиёсий бюроси қабул қилган “Бухоро масаласига доир” қарорда “босмачилик”ни тугатиш БХСРдаги совет ва партия органларининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланади.² Диктаторлик комиссияси ўз фаолиятида Марказнинг ушбу қарорига амал қилган ҳамда халққа қарши қаратилган сиёсат юритиб, қатағон воситасида совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга эришди.

1922 йил 10 мартда Диктаторлик комиссияси томонидан Бойсун ва Шеробод вилоятларининг аҳолиси (тахмина 40 киши) тўпланиб, махсус кенгаш ўтказилди. Кенгаш тугагач, унинг иштирокчилари Шарқий Бухорога жўнаб кетишди. Диктаторлик комиссияси раиси Носир Ҳакимов Душанбега, Олимжон Ачқурин эса Бойсунга жўнашди. Улар Шарқий Бухоро худудида совет ҳокимиятини ўрнатишда, ерли халқни қирғин қилишда “жонбозлик” кўрсатдилар. Бироқ Шарқий Бухородаги Диктаторлик Комиссияси 1923 йил кузига қадар айтарли ютуққа эриша олмади. 1923 йил кузидан бошлаб совет Россиясининг марказий районларидан ташланган янги қизил армия қисмларининг яхши қуролланган ва тажрибали жангчилардан эканлиги боис ҳарбий устунлик аста-секин қизил армия томонига ўта бошлади. Бу пайтда В.М.Мулик ва Н. Куглеев сингари Марказдан юборилган большевиклар Диктаторлик комиссиясининг раиси ўринбосари лавозимида ишладилар. Улар қуролли ҳаракат қатнашчилари ўртасига нифоқ солиш, турли вадалар бериш ва авфлар ваъда қилишиб кўплаб ҳаракат қатнашчиларини ўз томонига ағдаришга уринганлар.

1924 йил май ойининг бошларида Душанбе вилоятида 15 кўрбоши таслим бўлди, улар орасида аввал қуролли ҳаракат қатнашчилари томонига қочиб ўтган янги бозор ревкомининг собиқ раиси Қурбон Али, Кўлоблик Ёрмуҳаммад Салимбой, унинг ака-укалари Хонжон (Жонхон) ва Алланазар (60 йигити билан)лар ҳам бўлган. Шундай қилиб

¹ Д.Мўминов Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар) Тар. фан. ном. илм. дар. олиш учун дисс. -Т.2010. -Б.90-93

² Ўша жойда. -Б.90-93.

Шарқий Бухородаги Диктаторлик комиссияси ўз фаолиятини 1924 йил 7 июнга қадар олиб борган. Бу давр ичида комиссия кўплаб амалга оширилган ерли халқ вакилларига нисбатан қатағонларнинг тепасида турди.

Бухорода ҳам амирлик тузуми ағдарилгач олдинги суд тизими тугатилиб ўрнига маҳаллий халқ судлари билан биргаликда “инқилобий” ҳарбий трибуналлар ташкил этилди.

1920 йил 20 сентябрда БХСРда махсус қарор асосида БХСР Олий ҳарбий-“инқилобий” трибунал ташкил этилди. (Қарор ҳужжатлар ичидан топилмади, бироқ 1920 йил 30 сентябрдан трибунал чиқарган буйруқлар бор). 1920 йил 20 ноябрда БХСР Олий ҳарбий-“инқилобий” трибунаlining вақтли низоми тасдиқланди. Трибунал БХСР Инқилобий қўмитаси қошида “Бухорода совет ҳукуматини мустаҳкамлаш, совет тузумига қарши аксилинқилобий ва бошқа ҳаракатларни олдини олиш мақсадида” ташкил этилди.

БХСР Олий ҳарбий-“инқилобий” трибунал Бухороревкоми қошида унинг раиси, раис ўринбосари ва иккита трибунал аъзоларидан иборат қилиб ташкил этилди. Олий ҳарбий-“инқилобий” трибунаlining Вақтли низомга муофиқ 1921 йил октябрига қадар Бухороревкоми бошқарди. 1921 йил сентябрида Бухороревкоми тугатилиб, Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети ташкил этилди. (БХСРМИК, БухМИК)

Бухоро Маразий Ижроия Комитети Президумининг 1921 йил 17 октябрдаги қарорига муофиқ БХСР Олий ҳарбий-“инқилобий” трибунаlining номи БХСР Адлия халқ нозирлиги қошидаги ҳарбий трибунал деб ўзгартирилиб БХСР Ҳарбий трибунаlining низомини тасдиқлади.¹ БХСР Ҳарбий Трибунали ҳужжатларида кўпроқ БХСР “Инқилобий” ҳарбий трибунал (Реввоентрибунал) деб номланиши учрайди.

Бухоро “инқилобий” ҳарбий трибунали раис, иккита аъзо ва битта аъзоликка номзодлардан иборат таркибда ташкил топган. Уларни БХСР Адлия Халқ нозирлиги тавсиясига биноан БХСР Халқ Нозирлар Кенгаши тасдиқланган “Инқилобий” трибунал судлари сиёсий жиноят ишларни ҳамда ҳарбий жиноий ишларни кўриб чиққан. 1922 йил 1 июлда БХСР “Инқилобий” трибунал фаолияти БХСР Ҳарбий Кенгашига топширилган.

1922 йил 14 октябрдаги Бутун Бухоро МИК йиғилиш БХСР “Инқилобий”-ҳарбий трибунал бевосита – Бутун Бухоро МИКга бўйсиниши белгилаб қўйилди.

1922 йил 18 декабрда Бутун Бухоро МИК, Халқ Нозирлари Кенгаши ва БХСР Меҳнат Комитетларининг бирлашган йиғилишида БХСР “инқилобий” трибунаlining янги низоми қабул қилинди.²

1923 йил 4 январда БХСР Ҳарбий Революцияси Советининг №1 буйруғи билан БХСР “инқилобий” ҳарбий трибунали БХСР Революцион Ҳарбий Совет ихтиёрига берилди.

1923 йил 16 июлда БХСР Халқ Нозирлар Кенгашининг йиғилиши бўлиб унда БХСР “Инқилобий”-ҳарбий трибунаlining БХСР “Инқилобий” трибунали деб номлаб БХСР Адлия Халқ Нозирлиги ихтиёрига беришга қарор қилинди.³

1924 йил 5 январда “БХСР суд тузилиши тўғрисида йўриқномаси” қабул қилинди. Унга кўра БХСР суд тузилишида қозилик судлари ўрнига халқ судлари ташкил этилиб, қонуннинг 2-бандида ҳарбий “инқилобий” трибуналлар фаолият кўлами чекланиб уларга

¹ Д.Мўминов Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар) Тар. фан.ном.илм.дар.олиш учун дисс.-Т.2010.

² Хошимов С.А. Советизация: военные, политические репрессии в Бухаре и Хиве. Научный жизнь. -Москва., 2011. №4. –С.102.

³ Ўша жойда. –Б.105.

фақат Қизил Аомия ва милицияга қарши қаратилган жиноий ишларни кўриб чиқиш масаласи юкланди.

Бутун Бухоро МИК ва БХСР Халқ Нозирлар Кенгашининг №83 сонли 1924 йил 4 октябрдаги қарорига муофиқ 1924 йил 8 октябрдан БССР “Инқилобий” трибунали тугатилди.¹

Бухоро “Инқилобий” трибунали ўз фаолияти давомида кўплаб бегуноҳ кишиларни, совет тузумига қарши юрт озодлиги учун курашган шахсларни, қуролли ҳаракат қатнашчиларини ўзининг ёвуз ҳукмлари билан ҳаётига зомин бўлди.

Жумладан 1922 йил 1 декабрда БХСР “Инқилобий” трибуналининг навбатдаги ҳукми билан Жўрақулов, Хасанов, Мухаммедов, Абдуқодиров, Якубов Азимжон, Имлеева, Абдулазизов, Юлчибоев, Ширмонбоев, Ишбеков, Рустамов, Раҳимбердиев Сафар, Бобокаримов Хусаин, Гадоев Хусаин, Мирзаев Хасан, Ўринбой Норматов, Абдуқодир Абдурасулов, Бердиназар Ҳақназаров, Ҳамид Абдуҷалилов, Шохмуров Мумляк, Хошиммухаммедов, Эгамбердиев, Ҳожибоев, Жўрабой Ҳамрақулов, Ражабов Шариф, Очилди Бойманов, Абдукарим Жўрабоев, Дўсатов, Қудратов, Шодмонқулов, Бўтабеков, Юсутаев, Аҳмадқуловларни “босмачилик” ҳаракатида иштирок этган ёки “босмачилар”га ёрдам берганликда айблаб 3 йилдан 5 йилга қадар қучайтирилган назорат қамоқ жазосига ҳукм этди.²

Хуллас Бухорода халққа ва унинг етук вакилларига нисбатан амалга оширилган қатағон сиёсатини Бутунбухоро Фавқулодда комиссияси (ЧК), Диктаторлик комиссияси ва “инқилобий” трибуналлар амалга ошириб, ерли халққа нисбатан таъқиб ва тайёиқларни бир зум бўлса-да тўхтатмадилар.

II.3. Бухоро республикаси ҳудудида қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш чоғидаги ҳарбий репрессиялар.

Бухородаги қуролли ҳаракат қатнашчиларини бостириш учун совет ҳокимияти турли найранг, ўйинларни ўйлаб топди. Туркистон, Хоразмда бўлгани каби Бухорода ҳам совет ҳокимияти 1922 йил охирида қуролли қаршилик ҳаракатини тўхтатиб, қуролини ташлаб совет ҳокимиятига таслим бўлган ҳаракат қатнашчиларини авф этиш ҳақида қармон чиқарди. Натижада Жаббор қўрбоши ва бошқалар ўз йигитлари билан таслим бўлиб ўзларини совет ҳокимиятига топширдилар. Бироқ Бухоро МИК президуми қарорига биноан эртаси куниёқ уларни отиб ташланди.

Совет ҳокимияти 1923 йил охири 1924 йил бошларига келиб Бухорода қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши ҳарбий ҳаракатларни қучайтириш билан бир қаторда бошқа чораларни ҳам қучайтирди. Бунга Бухоро КП МК ижроия комитетининг 1923 йил 22 декабрдаги Ғарбий ва Шарқий Бухородаги “Босмачилик” ҳаракатига қарши кураш масаласидаги йиғилиши мисол бўлади. Унда қайд этиладики: РКП МК Ўрта Осиё бюросининг “босмачилар”га тегишли мол-мулкни шартли ва шартсиз мусодара қилиш

¹ Хошимов С.А. Советизация: военные, политические репрессии в Бухаре и Хиве. Научный журнал. -Москва., 2011. №4. –С.107.

² Ўша жойда. –С.108.

тўғрисидаги йўриқномаси; “Ўрта Осиё бюросининг “Босмачилар”нинг шериклари ҳақидаги йўриқномаси”; “Босмачиларга қарши курашда Шарқий Бухоро ва Ғарбий Бухородаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи йиғинларни ташкиллаш ҳақидаги”; “Ғарбий Бухорода босмачиликка қарши кураш комиссиясини ташкиллаш ҳақидаги”; “Жазоловчи учликларнинг кейинги фаолияти ҳақидаги”; “БХСР меҳнаткашлари билан Қизил армия ўртасидаги алоқаларни яхшилаш комиссиясини ташкиллаш” ҳақидаги йўриқномалар асосида курашни ташкиллаш ҳақида қарор қабул қилинади.

1924 йил сентябр ойида РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси “Ўрта Осиёдаги босмачиликка қарши кураш кенгашлари ҳақида низом” қабул қилди.¹ Мазкур низомга кўра Ўрта Осиё ҳудудида 1924 йил сентябрда республикалар вилоятларнинг “босмачилик”ка қарши кураш Марказий доимий кенгашлари тузилди. “Босмачилик”ка қарши кураш Марказий кенгаши Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу кенгаш фаолиятини РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси бошқарди, унга ўринбосар қилиб Ўзбекистон ССР ХКС раиси тайинланди.

“Босмачилик”ка қарши кураш Марказий Комиссиясининг раиси Мавлонбеков имзоси билан 1924 йил 30 майда тасдиқланган “мутлақо махфий” тамғали “Ўрта Бухоро ва Ғарбий Бухородаги босмачилик ва зарбдор компания ўтказиш тадбирлари ҳақидаги Низом”га мувофиқ 5 июлдан бошлаб “босмачиларга қарши кураш ойлиги” ўтказишга қарор қилинди.

Совет ҳокимияти томонидан кўрилган қаътий жазо чоралари натижасида 1924 йил ёзи ва кузида бўлган жангларда қизил аскарлар томонидан Шарқий Бухорода 50 нафар кўрбоши ва 2500 йигит ўлдирилди, кўплаб тинч аҳоли вакиллари қирғин қилинди. Совет ҳокимияти қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши кураш жараёнида тинч аҳолини ҳам аяб ўтирмади. Қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши курашда қизил армияга совет ҳокимиятининг жазо органлари таянч вазифасини ўтаб берди.

1922 йил ёзида Бухоро республикасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий ҳаракатлар ва қуролли ҳаракатга қарши курашиш учун Давлат сиёсий бошқарма ГПУ ташкил этилди.

БХСРда ГПУ ходимлари ва бошқа махсус идоралар қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши курашда турли қабих воситаларни ҳам қўллашда тоймадилар. Улар қуролли муҳолифат раҳбарлари, хусусан Иброҳимбек ва Анвар Пошшо ўртасига ихтилоф соладилар, улар ўртасидаги мавжуд ихтилофлар ўзаро келишмовчилик ва адоватга айлантирилади. Бойсун вилоятида ревком раиси ва махсус бўлим бошлиғи Олимжон Акчуриннинг Анвар Пошшо номидан Саид Олимхонга юборган сохта мактубида Анвар Пошшонинг Иброҳимбек устидан амирга шикоят баён қилинади. Анвар Пошшонинг сохта муҳри босилган бу хатнинг “тасодиқий” равишда Иброҳимбек қўлига туширилиши натижасида эса Анвар Пошо билан Иброҳимбек ўртасида ўзаро низолар ниҳоятда кучайиб кетади.²

ГПУ ходимлари Бухоро ҳудудида қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориб ҳарбий, сиёсий репрессияларни кучайтирди. Қуролли ҳаракатда гумон қилинган шахс борки ГПУ нигоҳидан четда қолмади. Мана улардан

¹ Д.Мўминов Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар) Тар. фан. ном. илм. дар. олиш учун дисс. -Т.2010.

² Қаҳрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Тошкент, “Маънавият” 2002.

айримларини мисол келтирамиз. 1924 йил 27 февралда Бухоро ГПУси Измаилов раислигида №33 ишда “босмачилик” ҳаракатида иштирок этганликда гумон қилинган Кўлдош Шарифов, Рўзиқ Абдулғофуров, Ахмаджон Мухаммаджонов, Ғофур Жумаев ва Шариф Абдурасуловларнинг ишини кўриб чиқиб уларнинг барилари маълум вақт ўз қишлоғида бўлмагани, баъзиларини қишлоғига “босмачилар” келганида хайрихоҳ бўлганлиги учун айблаб “инқилобий” трибунал судига топширган.

1924 йил 14 майда БХСР ГПУ си Барон-Қасопни “босмачилар” билан алоқа қилганликда айблаб ҳибсга олади. Борон-Қасопни “босмачилар”ни маблағ билан таъмин этганликда ва уларга озик-овқат етказиб туришда айблаган.

1924 йил 7 июнда БХСР Олий суди ГПУ ходимлари йиққан далиллар асосида Ортиқ Файзи ўғлини “босмачилик” ҳаракатининг иштирокчилигида айблаб уни олти йилга озодликдан махрум этди. Унинг айби у дастлаб 1921 йил қизил армия сафига кирган. “Босмачилар”га қарши ҳарбий амалиётларда қатнашган. Ортиқ Файзи қғлини 8 ой уйда бўлмаган. Демак шу вақт ичида “босмачилар” отрядларида бўлган деб юқоридаги ҳукм билан озодликдан махрум этишган. Кўриниб турибдики совет ҳокимиятининг жазоловчи органлари ўз ҳокимияти мустаҳкамлаш йўлида ҳеч кимга шафқат кўрсатмади.

Қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши курашда совет ҳокимияти халқнинг орасида ўз таъсир кучига эга бўлган диний уламолардан халқ фойдаланди. Бухорода 1924 йил 28-31 январда Олий рухонийларнинг қурултойи бўлиб ўтди. Унда ҳокимиятнинг тазйиқи билан “Босмачилар ҳақида” резолюция қабул қилинди. Партия ҳужжатларида ёзилишида унда уларни “Халқ душмани” деб эълон қилинган. Халқни уларга қарши курашга ундаб 113 дин пешволари имзо чекишган. Бундан шу аён бўладики совет ҳокимияти қуролли ҳаракат қатнашчиларига ҳам қуролли ҳужумлар орқали, ҳам сиёсий жабҳада курашни бир дақиқа ҳам сусайтирмади.

Қизил аскарлар маҳаллий халқдан қаттиқ ўч олдилар. Айниқса Ғамхўр (Ғиждувон билан Конимех оралиғида), Ғишти, Пармез, Ванғозе, Полонзе ва Бағчағозе ҳудудларида даҳшатли қирғинлар уюштирди. Фақат 1923 йил ноябридан то 1925 йил бошларигача қуролли ҳаракат иштирокчиларидан Бухоро ҳудудида 4961 киши қириб ташланди ва 3307 киши асир олинди.¹

Совет ҳокимияти Бухоро ҳудудида асир тушган ёки ўз ихтиёри билан қуролини топшириб таслим бўлган қуролли ҳаракат қатнашчилари, уларнинг етакчиларини аяб ўтирмади. Ваҳоланки биз юқорида қайд этганимиздек уларни авф этиш ҳақида турли фармонлар эълон қилинган эди. Жумладан 1925 йил охирларида Бойсуннинг жануби-ғарбида қизил армияга қарши курашган Мустафоқул ўзи ва икки нафар йигити билан асир тушади. Уни совет ҳокимияти жазо органлари кейинроқ отиб ташлади.

1931 йил баҳорида Афғонистондан Тожикистонга қайтиб Деновда ГПУ вакилларига қуролини топшириб таслим бўлган қуролли ҳаракат етакчиларидан бири Эшон Сукур (Сулаймон Салоҳиддинов) совет жазо органлари томонидан қамоққа олиниб 1932 йил августда Иброҳимбек ва сафдошлари (ўн олтилар) қаторида Иброҳимбекнинг асосий ўринбосари ва ғоявий раҳномаси сифатида отиб ташланди. Бу ўн олтилар гуруҳида отиб ташланган Иброҳимбекнинг пири ғоявий раҳномаси сифатида ҳарбий жараёнларда асосий мавқега эга бўлган Исахон Эшон ҳам бор эди. Исахон Эшон 1931 йил баҳорида Афғонистондан юртга қайтгач, у Иброҳимбекнинг асосий ўринбосари ва пири сифатида фаолият кўрсатган. 1931 йил ёзида совет ҳокимиятига таслим бўлади. Исахон Эшонни ҳам

¹ Санаев И. Зиёвуддин тарихи.-Тошкент, Шарқ, 1995,-Б.223.

1932 йил августида ўн олтилар гуруҳида Тошкентда отиб ташлаган. Шу ўринда ўн олтилар ҳақида тўхталсак. Иброҳимбек 1931 йил боҳорида Афғонистондан юртга қайтгач яна совет ҳокимиятига қарши курашади.

1931 йил 23 июнда Кофирнихон дарёсининг ўнг қирғоғидаги Хўжабулбулхон қишлоғида Иброҳимбек қўрбоши ярадор ҳолатда ўзининг икки нафар сафдоши Соҳиб Командир ва Мулла Раҳмат билан совет ҳокимияти вакилларига таслим бўлади. Хўжабулбулхон ва Ишқабод қишлоқларини Абдулла Валишев бошчилигидаги ОГПУнинг 10-полки 2-дивизион чекистлари ўраб олишган эди. Хуллас, Иброҳимбек ва унинг яқин сафдошлари қўлга олингач, улар зудлик билан аввал Сталинобод (ҳозирги Душанбе), сўнгра эса Тошкентга олиб келинади.

Иброҳимбек ва унинг 15 нафар сафдоши Тошкентда СССР ХКС ҳузуридаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) чекистлари томонидан бир йилдан ортиқ вақт давомида тергов қилинади. Тергов Иброҳимбекка қўйилган айбларни “тан олдирилиши” билан тугалланади. 1932 йил 13 апрелда тергов жараёни якунланади. 1932 йил августда Иброҳимбек ва унинг 15 сафдоши устидан ўлим ҳукми чиқарилади.¹ Бу ўн олтилар номи билан тарихимизда қолади.

Тарихчи К. Абдуллаевнинг ёзишича, Иброҳимбекнинг 15 нафар сафдоши 1932 йил 10 августда, унинг ўзи эса 31 августда Тошкентда отиб ташланади. Хуллас, совет ҳокимиятига қарши 7 йил давомида кураш олиб борган Иброҳимбекнинг тақдирига ҳам совет ҳокимияти шундай ҳукм ясади.

Хуллас, Бухоро ҳудудларида совет ҳокимияти ўз ҳокимиятини ўрнатиш ҳамда уни мустаҳкамлаш йўлида ҳарбий, сиёсий репрессияларни авж олдирди. Бунда қатағон сиёсатининг ижрочи органлари Хоразм ва Бухоро ЧКлари, ҳудудда ташкилланган “инқилобий” трибуналлар, қизил армия бўлинмалари, Диктаторлик комиссиялари, Давлат сиёсий Бошқармаси ГПУ, ишчи-деҳқон милицияси каби жазоловчи муассасалари асосий роль ўйнади.

Совет ҳокимияти республикалардаги миллий озодлик сари интилувчи турли партия ва ташкилотларни, қуролли ҳаракат қатнашчиларини, аксилинқилобий ташкилотларни, халқни етаклашга қодир миллий зиёли ва диний уламоларни йўқ қилиш, уларнинг эрк учун кураш ғояларини бўғишда ҳарқандай ноқобилликлардан қайтмади. Уларга қарши курашни турли йўллари билан ўйлаб топдики натижада куч ишлатиш, маҳаллий халқларни қонини тўкиш эвазига Бухорода совет тузумини ўрнатди.

¹ Д.Н. Мўминов Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар) Тар. фан.ном.илм.дар.олиш учун дисс.-Т.2010.-Б.126

Х у л о с а

Хуллас совет ҳокимияти ва қизил армия кучлари Хоразм ва Бухоро худудларида мавжуд Хива хонлиги, Бухоро амирликларини ағдариш, худудда ўз ҳокимиятини ўрнатиш советча андоза остида Хоразм ХСР ва Бухоро ХСР қарор топтириш чоғидаги маҳаллий аҳолига қарши оммавий қатағонлар, синфий кураш ниқоби остида аҳолининг келиб чиқишига қараб (амир-хон авлодлари, миршаблари, меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшовчилар, савдогарлар, диний хизматчилар ва б.) ҳуқуқдан маҳрум қилиш сиёсати, совет тузумига қаршилик кўрсатган меҳнат аҳли, деҳқонларни сургун ва бадарға қилиниши, большевикларнинг яқка бошчилик сиёсатига, советларнинг идора усулларига қарши бўлган маданият соҳаси намоёндаларига қарши қўлланилган оммавий репрессиялар тарихини ўрганиш, миллий ғурур ва миллий ўзлик учун кураша оладиган халқнинг асл фарзандлари бўлганлигини мавжуд манбалар асосида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини, шаҳид кетган қуроли қаршилик ҳаракати қатнашчилари, республикаларнинг миллий раҳбар ходимлари, диний хизматчилар, маориф, маданият соҳаси вакиллари ва зиёлиларимиз фаолиятини ўрганиш, улар тақдирини аниқлаш ҳамда табарруқ номларини абадийлаштириш тарихшунослигимиздаги муҳим вазифалардан биридир.

1920-1924 йилларда Хоразм ва Бухоро республикаларида совет ҳокимиятига қарши бўлган муҳолиф кучлар ҳаракатлари қандай кўринишда бўлмасин-хоҳ ошқора, хоҳ яширин, қуроли қаршилик ҳаракати ёки тинч йўл билан, турли ташкилотлар ё гуруҳлар шаклида бўлмасин, ўз олдида аниқ мақсадни қўйган эди. Бу умумий мақсад заминида энг аввало Ватан озодлиги, миллат эрки, ҳақ-ҳуқуқи ва порлоқ келажак ётар эди. Миллат қайғуси билан мустабид тузумга, унинг мафкуравий етакчиси коммунистик партиёга қарши ўзларининг муҳолиф ғоялари ва ҳаракатлари билан қарши чиққан қуроли қаршилик ҳаракати қатнашчилари, “ёш бухороликлар”, “ёш хиваликлар”, маориф-маданият ходимлари, диний хизматчилар, миллий арбоблар совет тузумининг республикалардаги ҳар бир соҳадаги зўравонлигига қарши кураш олиб бордилар. Бу кураш аввало совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилишига, советларнинг ҳар иккала республикаларда амалга оширган маҳаллий халқ учун мутлақо бегона бошқарув фаолиятига, маҳаллий органларни руслаштириш, миллий урф-одат, анъана ва бошқа кадриятларни камситиш каби зўравонларча сиёсатга қарши олиб борилган ҳаракатларда намоён бўлди.

Бухоро ва Хивадаги мавжуд тузумни ағдариш борабарида, ерли халқ вакиллариغا, тинч аҳолига нисбатан қизил армияни ишга солиш билан ўтказган оммавий қатағонлари воҳа халқларининг совет тузумига қарши қуролли қаршилик ҳаракатининг бошланишига туртки бўлди. Бироқ XX асрнинг 30 йиллари ўрталарига қадар давом этган эрк ва озодлик шиори остидаги қуролли қаршилик ҳаракатини ҳам совет ҳокимияти қизил армия кучлари, қолаверса совет ҳокимиятининг жазо органлари “инқилобий” трибуналлар, Фавқулодда Комиссия (ЧК), Диктаторлик комиссиялари ёрдамида қонга ботириб бостирдилар. Қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари ва уларнинг йўлбошчилари бўлган кўрбошилар ҳамда уларга хайрихоҳ бўлган кучларни қурол кучи билан ёки бўлмаса уларга турли авф ёрликларини эълон қилиб таслим қилди. Таслим бўлиб қуролини ташлаб тинч меҳнатга қайтган қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари ва уларга хайрихоҳ бўлган кишилар қайтадан қатағон қилиндилар.

Хоразм ва Бухорода ҳам совет ҳокимияти ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ҳамда уни сақлаб қолиш мақсадида ушбу республикалар ҳудудларида совет тузумига қарши бўлган қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларига, ҳаракат қатнашчиларини қўллаб қувватлаган аҳоли вакиллариغا, эски тузум амалдорларига ва уларнинг оила аъзоларига, маҳаллий жадид маърифатпарварларига, рухоният вакиллари, савдогарлар ҳамда ҳокимият тизимидаги муҳолифат кучларга қарши ҳарбий, сиёсий репрессияларни авж олдирди. Минглаб бегуноҳ кишилар қатағон қилинди.

Коммунистик мафкура ҳукмронлиги туфайли юзага келган совет миллий-давлатчилик қурилишининг ошқора зўравонлик йўналиши, кенг халқ оммаси учун ёт бўлган социалистик тузумнинг зўрлаб тикиштирилиши иқтисодиётдаги ҳолокатли ўпирилишлар, халқнинг миллий кадр-қимматини камситишлар ўлкада ўзаро сиёсий қарама-қаршиликларнинг чуқурлашувига олиб келди.

Шунингдек, олдинги тузум амалдорлари, хонлик ва амирлик хонодони вакиллариغا нисбатан совет тузумига қарши кайфиятдаги кишилар деб уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан йўқ қилиш сиёсати юритилди. Улар Диктаторлик комиссиялари, “инқилобий” трибуналлар, Фавқулодда комиссия (ЧК), ГПУ органлари томонидан таъқиб ва таъзийк остига олиндилар.

Совет даври матбуотида ва илмий адабиётларда уларнинг номи кескин қораланди. “Халқ душманлари”га айблантирилди.

Аксарият жадидлардан ташкил топган “Ёш бухороликлар”, “Ёш Хиваликлар” ўз олдига миллий озодликни қўйган, орзу-умидлар ва мақсадларни амалга ошириш учун курашдилар. Улар большевикларнинг диктаторлиги ва ўлканинг Марказга сиёсий-иқтисодий қарамлигидан нарози эдилар. Республикаларда жорий қилинаётган совет ҳокимиятининг яккахокимлигига, руслаштириш сиёсатига қарши чиқдилар. Шунингдек, Бухоро ва Хоразм Республикаларини мустақил давлат сифатида фаолият юритишини талаб этдилар.

Совет ҳокимиятининг қўрилаётган даврдаги Бухоро ва Хоразмдаги репрессив сиёсати диний хизматчилар, рухоният вакиллари, имомлар, сайдларни ҳам четлаб ўтмади. Уларни қуролли қаршилик ҳаракатлари қатнашчиларини ғоявий раҳномаси, руҳлантирувчиси, “халқ душмани”, “синфий ёд унсурлар”, “меҳнатсиз даромад топувчилар” каби айбловлар асосида ноҳақдан қатағон қилдилар.

Қирғинларнинг оммавий тус олдиришдан қўзланган мақсад, халқнинг омилкор, зиёли қатламини йўқ қилиш; обрўли, таниқли йўлбошчиларни халқ орасидан суғуриб ташлаш, большевиклар сиёсатига тобе бўлган аҳоли қатламини шакллантириб бориш;

қўрқитиш, террор қилиш, ташқи ва ички душманларнинг «қирдикорлари»га нисбатан «хушёрлик» сиёсатини сингдириш ва уларни бошқаришдан иборат эди.

Хуллас, магистрлик диссертация ишидаги фикр-мулоҳазалар шундан далолат берадики, совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати даврида ҳам Хоразм ва Бухоро республикаларида олиб борилган қатоғон сиёсати оқибатида ерли халқнинг турли қатламларига нисбатан ҳарбий, сиёсий репрессиялар кенг қўламда амалга оширилди. Бироқ бу таъқиб ва тайзиқлар халқнинг эрк ва озодлик учун курашини бутунлай синдира олмади.

Фойдаланган манба ва адабиётлар.

I. Президент И.А.Каримов асарлари.

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон. 1992.-78 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.-Т.: Ўзбекистон. 1997.-327 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон. 1996.-364 б.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2 -Т.: Ўзбекистон. 1996.-380 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: Ўзбекистон. 1996.-366 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон. 1997.-384 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон. 1999.-410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: Ўзбекистон. 2000.-528 б.

9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон. 2001.-432 б.
 10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.-Т.: Ўзбекистон. 2002.-542 б.
 11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ. 1998.-32 б.
 12. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008.
 13. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.-Тошкент, Ўзбекистон, 2011. –Б.439.
- II. Адабиётлар.

1. Аминова Р.Х. Возвращаюсь к истории коллективизации в Узбекистане.-Т., «Фан», 1995.
2. Алимова. Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий таъйиқ оқибатлари. -Т.: Ўзбекистон. 2000.-72 б.
3. Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан.-Т, Фан, 1996
4. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.149.
5. Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг хасрати тарихи.-Т.: Фан 1991.
6. Жади́дчилик: ислохот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. -Т.: Университет. 1999.-220 б
7. Зияева Д. Туркистон миллий озодлик харакати. (Мустақил тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги) – Т.: 2000
8. Зиёева Д. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари. //Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. -Т.: Фан. 1996.-64-75 б.
9. Зияев Х. Ўзбекистон мустақиллиги курашларининг тарихи. Т.: Шарқ. 2001.
10. Каримов Р. Раджабов К. Политическая и экономическая ситуация в Бухарской Республике(1920-1924 гг)// История Узбекистана (1917-1991 гг.).-Т.Шарқ. 2003.
11. Полвонниёз хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар). Маъсул муҳарри сўзбоши муаллифи М.Матниёзов. Урганч: Хоразм. 2000.
12. Маткаримов М. Хоразм республикаси давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди.-Урганч, 1993,-Б.131.
13. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 2-нашри.-Тошкент, “Маънавият”, 1999.
14. Саид Алимхон. История бедств, испытанных бухарским народы // Звезда Востока-1991. №7.-С.44-62.
15. Отомурод Қўшжонов, Неъматжон Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва харакатлар. “ABU MATBUOT -KONSALT”. Тошкент. 2007. -Б.265.
16. Ражабов Қ. Оммавий қатағонлик сиёсати. //Туркистон газетаси 24-27 октябрь.
17. Ражабов Қ.К., Хайдаров М. Туркистон тарихи. -Т.: Университет. 2002.-168 б.
18. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси. //Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.2.-Т.:2001-б.299-302.
19. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли //Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари,-Т:Шарқ, 2001.-б.185-202.
20. Раджабов Қ.К. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924й)-Т.: Маънавият, 2002.
21. Убайдуллаев Ў. Қатағон қурбони. //Фан ва турмуш. 2001. №3.-24 б.

22. Узоқов Х., Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтинлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” №33, 1992 йил 14 август.
23. Файзулла Хўжаев. Бухородаги революция ва ўрта Осиёнинг миллий чегераланиши тарихига доир. Танланган асарлар. Т.1. –Тошкент, 1976.
24. Фитрат. Амир Олимхоннинг хукмронлик даври.-Тошкент, “Минҳож”, 1992.
25. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. Андижон “Andijon-Nashruyot-Matbaa”, 2004, Б.607.
26. Шамсутдинов Р.Т. Тарихий меросимизга бир назар. -Андижон: Мерос. 1994.-156 б.
27. Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида). Иккинчи китоб, иккинчи қисм. -Андижон: Мерос. 1998.-625 б.
28. Шамсутдинов Р, Расулов Б. Истиқлол учун кураш фидойилари. Андижон; Мерос, 1993.
29. Шамсутдинов Р., Убайдуллаев Ў. Тарихни англаш. /Таълим ва тарбия ва ҳаёт(қарор, буйруқ ва услубий тавсиялар). -Андижон. 2000. 29-34 б.
30. Шамсутдинов Р., Убайдуллаев Ў. «Миллий иттиҳод»чи тамғаси билан қатағон қилинганлар. /Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари». 2-жилд. -Фарғона. 2000. 19-32 б.
31. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. -Т.: Шарқ. 2001.-368 б.
32. Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. -Т.: Шарқ. 2001.-416 б.
33. R.T. Shamsutdinov. O' Ubaydullaev. Vatan tarixi. Ikkinchi kitob. Sharq. 2010 yil.
34. Шамсутдинов Р. Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. (Университетнинг нотарих факультетлари биринчи босқич бакалавриат ва битирувчилари учун Ўзбекистон тарихидан ўқув-методик, ёрдамчи материал). Андижон. 2011.

III. Номзодлик ва докторлик диссертациялар.

1. Мўминов Д. Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуроли ҳаракат. (1920-1926 йиллар). Тарих фан.ил.дар.олиш.учун ёзилган Автореферат -Т. 2010.-Б.31.
2. Ражабов Қ.К. Туркистон минтақасида совет режимиға қарши қуроли ҳаракат. (1918-1924 йй.): Тарих фанлари док. ... дисс. –Тошкент, 2005.-Б.342.
3. Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумға қарши миллий муҳолифат ҳаракати. (Маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида) Тарих.фан.ном.дисс.автореф. –Тошкент, 2004.-Б.30.